

А. ҲОЖИЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ФОРМА ЯСАЛИШИ

Педагогика институтларининг филология
факультетлари студентлари учун
„махсус курс“ материали

ЎзССР Маориф министрлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ—„ЎҚИТУВЧИ“—1979

*Жамоатчилик асосида
филология фанлари доктори, профессор
Мазлума Асқарова
таҳрир қилган*

На узбекском языке

ХОДЖИЕВ АЗИМ

ФОРМООБРАЗОВАНИЕ
В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Ташкент — „Ўқитувчи“ — 1979

Редактор *М. Мадалиева*
Бадний редактор *П. Б. Бродский*
Тех. редактор *О. Беляева*
Корректор *Д. Умарова*

ИБ № 1076

Теришга берилди 4.29.1979 й. Босишга рухсат этилди 12.07.1979 й. Формат 84×108^{1/32}.
Тип. қоғози. № 3 Кегли. 10. Шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли
б. л. 4,20. Нашр. л. 4,6. Тиражи 8000. Зак. № 36. Баҳоси 15 т.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 126—78.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комите-
ти. Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-бос-
махона, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1979 й.

Типография № 1 Ташкентского полиграфического производственного объедине-
ния «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств,
полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1979

X $\frac{60602\ 243}{353\ /04/}$ 115 — 79 4602000000

СЎЗ БОШИ

Бу иш олий ўқув юртлари филология факультетлари студентларига ўқиладиган махсус курслар учун мўлжалланган. Ишдан кузатилган мақсад ўзбек тилида форма ясалиши ҳодисаси ва у билан боғлиқ масалалар бўйича яхлит маълумот бериш, форма ясалишининг бошқа ҳодисалардан фарқини, шунингдек, ҳар бир сўз туркумига хос формалар, уларнинг маъно ва вазифаларини конкрет белгилашдир.

Ҳозирги ўзбек тили морфологиясидан дарслик, қўлланмалар яратишда, шунингдек, программалар тузишда шу вақтгача давом этиб келаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради деган мақсад билан, ишда форма ясалиши билан боғлиқ масалалар бўйича мавжуд фикрларга муносабат, танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Ўзбек тили грамматикаларида ҳозирга қадар ҳам сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаси морфология баҳсида бериб келинмоқда. Лекин сўз ясалиши тилшуносликнинг лексикология, грамматика каби алоҳида бўлими экани ҳозирда тан олинган¹.

Сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаларининг шу вақтга қадар морфология баҳсида ўрганилишига сабаб, буларнинг ҳар иккисидан морфема иштирок этишидир. Морфема ва унинг хусусиятлари ҳақида ҳам морфология баҳсида гапирилар эди. Ваҳоланки, морфема ҳақидаги таълимот (морфемика) ҳам алоҳида соҳа сифатида ажратила бошланди².

Морфемика, сўз ясалиши ва форма ясалиши морфологик ҳодиса сифатида қаралиб, морфология баҳсида берилиши бу тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри белгилашга халал бериб, бир қатор хато ва қарама-қарши фикрларни келтириб чиқарди. Бинобарин;

¹Грамматика современного русского литературного языка, изд-во „Наука“, М., 1970, 37—301-бетлар. Ўзбек тили грамматикаси, I том, Морфология, ЎзССР „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1975, 7—52-бетлар.

²Ўқоридаги грамматикаларнинг 30—36 ва 11-бетларига қаранг.

буларнинг ҳар бирини махсус бўлимлар сифатида ажратиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиш тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри ва осон англашга ёрдам беради. Шунинг назарда тутиб, сўз ясалиши билан форма ясалиши тамомилан фарқли ҳодисалар экани ҳақида конкрет тасаввур ҳосил этиш, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида уларни алоҳида олиб текширишни лозим топдик.

Сўз ясалиши ва форма ясалиши мураккаб ҳодисалар бўлиб, улар билан боғлиқ барча масалаларни кичик ҳажмдаги ишда ҳал этиб бериш мумкин эмас. Шу сабабли бу ишда фақат форма ясалиши ва унга боғлиқ масалалар ўрганилади.

Форма ясалиши ҳодисаси ўзбек тили морфологиясига оид деярли барча ишларда у ёки бу даражада тилга олинади. Маълум бир сўз туркуми ўрганилганда, шу туркумда форма ясалиши ва бу формаларга хос маънолар ҳақида ҳам фикр юритилади. Лекин форма ясалиши ҳодисаси (умуман, сўз формаси) яхлит ҳолда ўрганилмаганлигидан, у билан боғлиқ бир қатор масалалар шу вақтгача аниқ белгиланмаган. Масалан, от туркумида шу туркумга оид грамматик категорияларга хос формалар ўрганилади. Бу туркумга мансуб бошқа типдаги, грамматик категория ҳосил қилмайдиган, бир қатор формалар ҳануз эътибордан четда қолиб келяпти. Бу формаларнинг айримлари ҳақида билдирилган фикрлар эса турли ишларда турличадир. Кўринадик, от морфологиясида шу туркумга оид формалар тўла ўрганилмаяпти. Яна бир факт: ўзбек тилида сўзнинг синтетик ва аналитик формаси борлиги маълум. Лекин бирор ишда аналитик форма ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Феъл туркуми формаларга ниҳоятда бой. Лекин шу вақтга қадар бирорта ишда ҳам феълнинг қай турдаги аналитик формалари борлиги конкрет кўрсатилмаган.

Форма ясалиши билан боғлиқ бўлган бир қатор умумий ҳодисалар ҳам етарли ёритилган эмас. Бу масалаларни тўғри ўрганмай туриб, форма ясалиши (сўз формаси)нинг бошқа томонларини тўла ва тўғри белгилаш мумкин бўлмайди. Шуларни назарда тутиб, бу ишда асосий эътибор форма ясалишининг умумий хусусиятларига, бу ҳодиса бўйича ноаниқ, тортишувли бўлиб келаётган масалаларга қаратилади.

Биринчи бўлим

СЎЗ ФОРМАЛАРИ ҲАҚИДА

Грамматик маъно ва грамматик форма

Ҳар бир мустақил сўз лексик маънодан ташқари, грамматик маънога ҳам эга бўлади. Мустақил сўзлар объектив борлиқдаги маълум бир предмет, белги, ҳаракат кабиларни англатади. Ёу—сўзнинг лексик маъноси. Сўзда лексик маънодан ташқари грамматик маънолар ҳам ифодаланади. Масалан: *Ҳашарчиларга дурустроқ хоналар ажратамиз* гапида *ҳашарчи*, *хона* сўзлари англатган **шахс**, **нарса**, *дуруст* сўзи ифодаланган **белги**, *ажратмоқ* феъли билдирган **ҳаракат** шу сўзларнинг лексик маъносидир; *ҳашарчиларга*, *хоналар* сўзида **шахс**, **нарса**нинг кўплиги (сон маъноси), **ҳаракат**нинг йўналганлиги (келишик формасига хос маъно); *яхшироқ* сўзида **белгининг даража маъноси**; *ажратамиз* сўзида **ҳаракатнинг бажарувчи шахси** (I шахс), **замони** (келаси замон) маъноси ифодаланади. Бу маънолар сўзларнинг грамматик маъноларидир.

Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмайди, лексик маънога қўшимча тарздаги маъно бўлади ҳамда махсус воситалар (масалан, аффикслар) орқали ифодаланади. Грамматик маъно ифодаловчи воситалар олган шакли сўзнинг грамматик формаси ҳисобланади.

Грамматик маъно ва грамматик форма (сўз формаси) деганда, мустақил сўзларгина назарда тутилади. Чунки мустақил маъноли сўзларгина грамматик маъно ва грамматик формага эга.

Форма ясалиши ҳам мустақил сўз туркумларига хос хусусият. Мустақил сўз туркумлари ичида от ва феъл туркуми формалар системасига бойлиги билан ажралиб туради.

Одатда сўзнинг ҳар бир формаси махсус восита—аффикс ёки ёрдамчи сўз ёрдамида ҳосил қилинади. Лекин ўзбек тилида сўзнинг махсус кўрсаткичга эга

бўлмаган формалари ҳам бор. Масалан, отларда кўплик формаси *-лар* аффикси ёрдамида ясалгани ҳолда, бирликнинг махсус кўрсаткичи йўқ; *китоб* (бирлик формаси), *китоблар* (кўплик формаси); феълларда бўлишсизлик (инкор формаси) *-ма* аффикси орқали ясалади. Лекин бўлишлиликнинг махсус кўрсаткичи йўқ; *ишла* (бўлишли форма), *ишлама* (бўлишсиз форма) ва бошқалар.

Сўзнинг маълум бир типдаги формалари системасида форма кўрсаткичига эга бўлмаган кўриниши ҳам шу сўзнинг махсус формаси—ноль кўрсаткичли формаси ҳисобланади: *ўқиди+м, ўқиди+нг, ўқиди+Ø; келган+ман, келган+сан, келган+Ø* каби.

ГРАММАТИК МАЪНО ВА ГРАММАТИК ФОРМАНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯГА МУНОСАБАТИ

Грамматик маъно ва грамматик формасиз грамматик категория ҳақида гапириш мумкин эмас. Грамматик маъно билан грамматик форманинг бирлигигина грамматик категорияни юзага келтира олади. Лекин ҳар қандай грамматик маъно билан шу маънони ифодаловчи форманинг бирлиги грамматик категория бўлавермайди.

Бир-бирига қийсан олинadиган (оппозиция ҳосил қиладиган) икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно билан шу маъноларни ифодаловчи формалар биргаликда грамматик категорияни ҳосил қилади¹. Масалан, ҳаракатнинг ўтган, ҳозирги ва келгуси вақтга оидлиги маъноси ва бу маъноларни ифодаловчи формалар биргаликда феълнинг замон категориясини ҳосил қилади: *келди*—ўтган замон, *келяпти*—ҳозирги замон, *келади*—келаси замон.

Бирор сўз туркуми маълум грамматик маъно ва шу маънони ифодаловчи формага эга бўлиши мумкин. Лекин бу маъно ва форма бошқа бирор маъно ва форма билан бирликда бўлмаса, оппозиция ҳосил қилмаса, у ҳолда грамматик категория ҳақида гапириб бўлмайди. Масалан, *-ники* аффикси отнинг хослик (қарашлилиқ) маъносини ифодаловчи формасини ясайди: *ўзимники*,

¹Қаранг: О. С. А х м а н о в а. Словарь лингвистических терминов, М., 1966, 191-бет; Грамматика современного русского литературного языка, изд-во „Наука“, М., 1970, 317-бет; Д. Э. Розенталь, М. А. Теленкова. Словарь-справочник лингвистических терминов, изд. 2^е, М., „Просвещение“, 1976, 81-бет.

укамники, мактабники . . . Демак, бунда қарашлилик маъноси ва шу маънони ифодаловчи форма бутунлиги бор. Лекин шу маъно ва формага қарама-қарши қўйилиб, у билан маълум бирлик (бутунликни) ҳосил қиладиган бошқа маъно ва форма йўқ. Шунга кўра, отнинг *-ники* аффикси ёрдамида ясалувчи қарашлилик ифода-лайдиган формаси бўлса ҳам, лекин отлар қарашлилик категориясига эга деб бўлмайди.

Демак, грамматик маъно ва шу маънони ифодаловчи форма бор жойда грамматик категория ҳам бор дейиш тўғри бўлмайди. Бир-бирига қарама-қарши қўйилиши (бир-бири билан оппозиция ҳосил қилиши) мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно ва шу маъноларни ифодаловчи формалар бутунлигигина грамматик категорияни ҳосил қила олади.

Шу жиҳатдан қараганда, ўзаро оппозицияда бўлиб, грамматик категория ҳосил қилувчи формаларнинг бирига нисбатан „грамматик категория“ ёки „категория“ терминини қўллаш тўғри бўлмайди. Масалан, лингвистик адабиётларда „тушум келишиги категорияси“, „ўтган замон категорияси“ каби терминлар учрайди. Ваҳоланки, тушум келишиги формаси бошқа келишик формалари билан бирликда келишик категориясини, ўтган замон феъли формаси эса бошқа замон формалари билан бирликда замон категориясини ҳосил қилади. Шунга кўра „нисбат категорияси“ дейиш асосли, лекин „орттирма нисбат категорияси“ ёки „мажҳул нисбат категорияси“ дейиш тўғри эмас, „сон категорияси“ дейиш тўғри, лекин „кўплик категорияси“ ёки „бирлик категорияси“ дейиш тўғри бўлмайди.

ФОРМА ЯСАЛИШ УСУЛИ

Ўзбек тилида форма ясовчи воситалар икки асосий турга бўлинади: 1) форма ясовчи аффикслар; 2) форма ясовчи ёрдамчи сўзлар. Аффикслар ёрдамида форма яшаш усулини *аффиксация усули*, ёрдамчи сўзлар воситасида форма ясалишини эса *композиция усули* дейилади.

Аффиксация усули билан *синтетик формалар*, композиция усули билан *аналитик формалар* ҳосил қилинади: *уйда, уйлар, уйларимизни; ўқияпти, ўқиса, ўқимоқчи* — синтетик формалар, *уй, томон, тунни билан, еб кўр, ола қол*—аналитик формалар.

Булардан ташқари, жамлик, умумлаштириш ифода-
ловчи *қозон-товоқ*, *катта-кичик* каби, кўплик, так-
рорийликни ифодаловчи *баланд-баланд* (иморат),
сўраб-сўраб (топмоқ) каби формалар ҳам мавжуд.
Буларни жуфт ва такрорий форма деб аташ мумкин.

СИНТЕТИК ФОРМА

Синтетик форма тилдаги бошқа ҳодисалардан аниқ
фарқланиб туради.

Аффиксал морфемалар ҳақида лингвистик адабиёт-
лардан жуда кўп умумий маълумотлар топиш мумкин.
Лекин аффиксал морфема ва у билан боғлиқ бўлган
тил ҳодисалари кўнгина тилларда, жумладан, ўзбек
тилида ўрганиб етилмаган.

Аффиксал морфемалар ўз хусусиятларига кўра икки
асосий турга бўлиниб келар эди: 1) *сўз ясовчи аф-
фикслар*; 2) *форма ясовчи аффикслар*. Кейинги вақт-
ларда яратилган ишларда аффикслар асосий хусусият-
ларига кўра уч турга—сўз ясовчи, форма ясовчи ва
сўз ўзгартувчи аффиксларга ажратила бошлади. Бу
ҳол, шубҳасиз, рус тилига оид адабиётларнинг таъси-
рида бўлди. Бунда форма ясовчи аффикслар синтактик
муносабат кўрсатиш ёки синтактик муносабат кўрсат-
маслигига кўра икки турга: 1) *форма ясовчи*, 2) *сўз
ўзгартувчи аффиксларга* бўлинади.

Рус тилига оид айрим адабиётларда сўз формаси
доирасида ўзаро фарқли ҳодиса сифатида икки нарса
ажратилади: 1) *форма ясалиши (формообразова-
ние)*; 2) *сўз ўзгариши (словоизменение)*. Худди шу
қараш асосида сўз формасини ҳосил қилувчи аффикс-
ларнинг маълум бир тури форма ясовчилар (формооб-
разующие), бошқалари эса сўз ўзгартувчилар (словоиз-
меняющие) деб икки турга ажратилади. Лекин форма
ясалиши (формообразование) ва сўз ўзгариши (слово-
изменение) ҳодисаларига бўлган қарашлар ва бу тер-
минларнинг қўлланиши рус тилига оид адабиётларнинг
ўзида бир хил эмас. Далил сифатида рус тили линг-
вистик терминларининг изоҳига бағишланган икки
муҳим луғатда формообразование ва словоизменение
терминларига берилган изоҳни келтирамиз: „**СЛОВОИЗ-
МЕНЕНИЕ**. Образование того или иного ряда граммати-
ческих форм или всех грамматических форм одного и
того же слова.

ФОРМООБРАЗОВАНИЕ. Образование форм слова, выражающих несинтаксических категорий¹.

„СЛОВОИЗМЕНЕНИЕ. Образование грамматических форм одного и того же слова, выражающих его отношение другим словам.

ФОРМООБРАЗОВАНИЕ. Образование форм одного и того же слова².

Кўриниб турибдики, бир луғатда сўз ўзгариши (словоизменение) деганда, бир сўзнинг барча турдаги грамматик формасининг ясалиши назарда тутилса, иккинчи луғатда форма ясалиши (формообразование) деганда, худди шундай ҳодиса назарда тутилади. Яна шу нарса ҳам сезилиб турибдики, иккала ишда ҳам сўз формасини форма ясалиши ва сўз ўзгариши каби икки турга ажратишда бу формаларнинг бошқа сўз билан синтактик муносабат кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги назарда тутилади. Бу қараш таъсирида ўзбек тилшунослигида ҳам форма ясовчи аффикслар, юқорида кўриб ўтганимиздек, форма ясовчи ва форма ўзгартувчи (ёки сўз ўзгартувчи) каби икки турга ажратила бошланди.

Форма ясовчи аффиксларни (шунингдек, сўз формасини) бу типда классификация қилиш ўзбек тили нуқтани назаридан назарий асос ва амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки аффиксал морфеманинг асосий вазифаси икки хил: 1) сўз яшаш; 2) форма яшаш. Аффиксал морфеманинг ана шундан бошқа вазифаси йўқ³

¹О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов, М., 1966, 423-ва 502-бетлар.

²Д. Э. Розенталь, М. А. Теленкова. Словарь-справочник лингвистических терминов, М., 1976, 414-ва 512-бетлар.

³Рус тилига оид кейинги вақтларда нашр этилган ишларда ҳам аффиксларнинг икки асосий тури мавжудлиги ва улардан бир тури сўз ясалишининг, иккинчи тури форма ясалишининг предмети экани қайд этилади. Фақатгина шуни айтиш керакки, сўз ясовчи аффикслардан бошқа турдаги аффикслар айрим ишларда „сўз ўзгартувчилар“, айрим ишларда эса „форма ясовчилар“ деб аталади. Лекин икки ҳолатда ҳам бир хил ҳодиса назарда тутилади: Қаранг: Грамматика современного русского литературного языка. Изд-во „Наука“, М., 1970, 30-бет.

Шуниси ҳам характерлики, бирида *словоизменяющие*, иккинчисида *формообразующие* терминлари қўлланилишидан қатъи назар, юқоридаги луғатларнинг иккаласида ҳам сўз ясовчи аффикслардан бошқа барча аффикслар бир турга киритилади. (Ўша луғатларнинг 61-,31-бетларига қаранг.)

(-ли ва -лик аффикслари бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда қуйида тўхталамиз).

Форма ясовчи аффиксларни форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффиксларга ажратишда форма ясовчиларнинг бошқа бирор сўз билан синтактик муносабат кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги асосга олинишини кўрдик. Тўғри, форма ясовчиларнинг баъзилари бошқа бирор сўз билан синтактик алоқадалиқни кўрсатади. Масалан, *китобни ўқиди* гапида тушум келишиги формаси орқали шу формадаги от билан феълнинг синтактик муносабати ўз ифодасини топади. Айрим форма ясовчилар (шу форма ясовчини олган сўз формаси) эса бошқа бирор сўз билан синтактик муносабат кўрсатмайди. Масалан, отларнинг кўплик формаси (*болалар, китоблар*), феълнинг замон формалари (*келди, келган, келаяпти*) шундай хусусиятга эга.

Лекин айтиб ўтилганидек у ёки бу аффикс ёрдамида ясалган форманинг синтактик муносабат кўрсатиши ёки синтактик муносабат кўрсатмаслигига қараб форма ясовчи аффиксларни икки турга ажратишнинг назарий ва амалий аҳамияти йўқ. Чунки ўзбек тилида форма ясалишидан фарқланадиган „сўз ўзгариш“ ҳодисаси ва шундай ҳодисани юзага келтирадиган аффикслар мавжуд эмас. Шундай экан, синтактик алоқа кўрсатадиган форма ясовчиларни алоҳида тур сифатида ажратиш ва алоҳида ном билан („сўз ўзгартувчилар“ деб) аташ ҳам тўғри бўлмайди. Агар синтактик муносабат кўрсатадиган форма ясаши ёки синтактик муносабат кўрсатмайдиган форма ясашига кўра форма ясовчи аффикслар икки турга бўлинадиган бўлса, у ҳолда шу аффикслар ёрдамида ясалган формаларни ҳам икки турга бўлиш ва икки хил ном билан аташ талаб этилади. Лекин форма ясовчи аффикслар икки турга бўлинган ишларда, нима учундир масаланинг бу томонига эътибор берилмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида *-ли* ва *-лик* аффикслари сифат ва от яшадан ташқари яна бошқа вазифага ҳам эга.

-ли аффикси сифат ясовчи энг унумли аффикс экани маълум: *завқли, ибратли, ёғли, кўнгилли, одобли...* Шунингдек, у от бирикмаларни сифатловчи бирикмаларга айлантириш вазифасида ҳам жуда кенг қўлланади: *Бу растада минг хил кийимли оломон йўқ,*

шошилиш йўқ... (Ойбек.) Яқинда колхозларга **ўрта, олий маълумотли** агрономлар, зоотехниклар, ирригаторлар, механизаторлар раҳбарлик қилади. (Ш. Рашидов.) Усти **брезент ёпқичли** машина ёнидан ер ўлчайдиган аппаратнинг уч оёғи чиқиб турибди. (Саид Аҳмад.)

Бу мисолларда ҳам **-ли** аффикси „эга“, „бор“ деган маъно ифодалайди. Лекин янги сўз ҳам, сўзнинг формасини ҳам ясаётгани йўқ, от бирикмага қўшилиб, шу бирикмаларни сифатловчи (белги кўрсатувчи) бирикмага айлантиряпти. Бунда бирикма компонентлари лексик мустақиллигини сақлайди, шунингдек, улар ўртасидаги синтактик алоқа ҳам сақланади: *минг хил кийим+ли, резент ёпқич+ли, бир юз ўн қават+ли*...

Ҳозирги ўзбек тилида **-лик** от ясовчи кўп маъноли аффикс: *яхшилик, шаҳарлик, қумлик, тезлик*. Бундан ташқари у гапга тенг конструкцияларга қўшилиб, уни гапнинг бирор бўлаги функциясидаги конструкцияга айлантиради: *бир-икки кундан кейин Ёзёвон масаласида катта йиғин бўлиши кераклигини англади*. (С. Аҳмад.) *Вақти тиғизлигидан аввалги сафар синглизиникига йўлни яқинроқдан солган, қамоқхона орқасидаги кўчадан юрмаганди*. (И. Содиқов.) Бу мисолларда **-лик** аффикси қўшилган „*катта йиғин бўлиши керак*“, „*вақт тиғиз*“ гапга тенг конструкциялар. **-лик** аффиксининг қўшилиши натижасида улар турли келишк формасида қўлланиб, гап бўлаги вазифасида келиш имконига эга бўляпти. **-лик** аффикси бунда бирор маъно ифодаламайди, балки фақат гапга тенг конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида келишга ҳозирлаш вазифасини бажаради.

Хуллас, сўз ясовчи аффикслардан ташқари аффиксларнинг маълум бир группасини „форма ясовчилар“, бошқаларини „сўз ўзгартувчилар“ деб аташ морфологик жиҳатдан бир хил ҳодисани икки хил ҳодиса деб тан олиш бўлади. Ваҳоланки, бу ерда биргина ҳодиса—форма ясашиш ҳодисаси бор.

АНАЛИТИК ФОРМА

Аналитик формада ёрдамчи сўз мустақил сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарздаги грамматик маънони ифодаловчи восита ҳисобланади. Агар шундай маъно юзага келмаса, у ҳолда аналитик форма ҳақида

гапириш мумкин бўлмайди. Буни қуйидаги икки мисолда аниқ кўриш мумкин: *Тоға унинг кечадан бери ухламаганини, ўша мудҳиш хабарни эшитгандан бери шу аҳволда телба бўлиб юрганини сезди-да, бошқа бирон нарсага алаҳситмоқчи бўлди.* (Саид Аҳмад.) *Кўнгиллари учун бир-икки қошиқ тотинган бўлдим.* (М. Қориев.)

Биринчи мисолда бўлди ёрдамчиси мақсад тарзидаги ҳаракатнинг (*алаҳситмоқчи* феълига хос маънонинг) ўтган замонга оидлигини билдирыпти. Лекин ўтган замон маъноси ундаги *-ди* аффиксига хос. „Бул“ нинг ўзи бирор қўшимча маъно (грамматик маъно) ифодадаётгани йўқ. Шунинг учун *алаҳситмоқчи бўлди* аналитик форма эмас. Бундаги *бул* боғлама вазифасини бажаряпти. Иккинчи мисолда эса *бул* ҳаракатнинг нормал даражада эмас, номига бажарилишини билдирыпти, қўшимча маъно ифодалаяпти. Демак, бу мисолдаги *тотинган бўлдим* аналитик форма ҳисобланади.

Одатда, *ўқиган бўлса* типидagi формани шарт майлининг аналитик формаси, *ўқимоқчи бўлди* типидagi формани мақсад майлининг аналитик формаси деб таърифлайдилар. Лекин фалон майлнинг ёки замоннинг аналитик формаси дейиш учун бу форма шу майл ёки замонга хос маънони реаллаштирувчи бўлиши керак. Масалан, *ишлаб турибди* формасида *турибди* ёрдамида ҳозирги замон маъноси ифодаланади. *Ишлар эди* формасида *эди* ўтган замон маъносини реаллаштиради. Демак, *ишлаб турибди* ҳозирги замон феълининг, *ишлар эди* ўтган замон феълининг аналитик формалари ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, *ўқиган бўлса* типидagi формани шарт майлининг аналитик формаси деб бўлмайди. Чунки шарт маъноси *бул* ёрдамида ифодаланаётгани йўқ, балки *-са* аффиксининг ўзи шу маънони ифодалайди. *Ўқимоқчи бўлди* типидagi формада ҳам мақсад маъносини бевосита-*моқчи* аффиксининг ўзи ифодалайди. Булардаги *бул* боғлама вазифасини бажаради.

Аналитик формалар ташқи кўринишдан баъзан қўшма сўз, шунингдек, сўз бирикмасига ўхшаб кетади. Лекин уларнинг ҳар иккисидан ҳам кескин фарқ қилади.

Аналитик форма қўшма сўздан қуйидаги икки хусусияти билан фарқланади: 1. Аналитик форма муста-

қил ва ёрдамчи сўзнинг бирикүвидан ҳосил бўлади: *келса керак, уйлаб кўр* каби... Қўшма сўзнинг компонентлари мустақил маъноли, ҳозирги ўзбек тилида мустақил сўз сифатида қўллана оладиган бўлади. 2. Аналитик форма ҳосил қилувчи ёрдамчи сўз мустақил сўзнинг маълум бир формасига бирикади. Қўшма сўзнинг компонентлари эса мустақил шаклланган бўлмайди. Қиёсланг: *кечга томон—эрксевар*.

Ёрдамчи сўзнинг мустақил сўзга маълум форма ёрдамида бирикишига кўра аналитик формалар сўз бирикмаларига ўхшайди. Лекин сўз бирикмаси бирдан ортиқ мустақил сўздан ташкил топади: *колхоз боғи* каби. Аналитик форма эса, кўриб ўтганимиздек, мустақил ва ёрдамчи сўздан ташкил топади.

Форма ясалишида юқорида кўриб ўтилган воситалардан ҳар иккиси, яъни аффикс ва ёрдамчи сўз иштирок этиши мумкин. Масалан, *ўқиб кўрдим* сўзида *кўр*—аналитик форма ясовчи кўмакчи феъл. *-ди, -м* замон ва шахс-сон формасини ясовчи аффикслар.

Демак, сўз формаси синтетик, аналитик ва буларнинг ҳар иккиси ўз ифодасини топган мураккаб форма кўринишида бўлиши мумкин.

Аналитик форманинг ясалишида ёрдамчи сўз қўшиладиган мустақил сўзнинг ўзи ҳам бирор формада бўлади: *мактабга қадар* (*мактабга*—жўналиш келишик формасида), *ўрганиб қолди* (*ўрганиб*—равишдош формасида). Демак, ёрдамчи сўз сўзнинг маълум бир формасига бирикиб аналитик форма ҳосил қилади. Лекин бунда ёрдамчи сўз билан бириккан сўз ўзича мустақил форма ҳисобланмайди, балки у ёрдамчи сўз билан биргаликда яхлит бир форма бўлади. Масалан, *айтиб қўйди, айта қолди* каби бирикувларда *айтиб* ва *айта* мустақил форма эмас, балки улар *қўй* ва *қол* кўмакчи феъллари билан бирга бир форма ҳисобланади. Буларда равишдош формаси фақат кўмакчи феълнинг етакчи феълга бирикиши учун восита ролини ўйнайди, унинг шундан бошқа вазифаси ҳам, маъноси ҳам йўқ. *Уйга қадар* формасида ҳам *уйга* ўзига мустақил форма эмас. Бунда *уйга қадар* яхлитлигича маълум бир маъно ифодаловчи, маълум бир вазифа бажарувчи форма ҳисобланади. Масалан, *уйга қадар борди* гапидан *қадар* кўмакчиси тушириб қолдирилса ҳам *уйга* сўзи *борди* сўзи билан боғланаверади. Шунга кўра, *уйга қадар борди*

гапида *уйга* мустақил формадек кўринади. Лекин, биринчидан, *уйга* формаси ифодалайдиган маъно билан *уйга қадар* формаси ифодалайдиган маъно бошқа-бошқа: *уйга* — йўналиш („направление“) ифодалайди, *уйга қадар*—чегара маъносини билдиради.

Иккинчидан, *уйга қадар* формаси бирикадиган ҳар қандай сўз билан *уйга* формаси бирикавермайди: *уйга қадар шундай* („*уйга шундай*“ дейилмайди).

Демак, аналитик формадаги мустақил сўз қандай форма кўринишида бўлмасин, бу форма ўз асл маъно ва вазифасида бўлмайди, у фақат ёрдамчи сўзнинг мустақил сўзга боғланишини таъминлайди. Мустақил сўз билан ёрдамчи сўз яхлитлигича бир формани ҳосил қилади.

ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ ФОРМА

Ўзбек тилида, шунингдек, бошқа туркий тилларда сўз ясалиши ҳақида гапирганда, одатда, жуфт ва такрорий сўзлар ҳам сўз ясалиши ҳодисаси сифатида таърифланади, композиция усули билан сўз ясалиши деб қаралади. Ҳатто, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг ҳаммаси „қўшма сўзлар“ номи билан юритилаверади. Аввало, қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар бир-биридан бутунлай фарқли ҳодисалар. Қўшма сўз ҳақиқий лексик ҳодиса, унинг ясалиши эса сўз ясалиши ҳодисаси. Жуфт ва такрорий сўз эса тўла маънода лексик ҳодиса эмас ва унинг ясалиши ҳам сўз ясалиши ҳодисаси бўла олмайди. Шундай экан, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларни бир ном билан аташга эҳтиёж йўқ ва уларга бирон умумий ном бериш тўғри эмас.

Жуфт ва такрорий сўзларнинг қўшма сўзлардан фарқини ва уларнинг қандай ҳодиса эканини белгилаш учун ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини кўриб ўтишга тўғри келади.

Жуфт сўзлар. Булар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

1. Қўшма сўз бирдан ортиқ мустақил маъноли морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, қўшма сўз таркибида, албатта, бирдан ортиқ ўзак морфема бўлади. Жуфт сўзнинг компонентлари (компонентларидан бири ёки ҳар иккиси) мустақил маъноли бўлмаслиги мумкин: *боғ-роғ*, *уна-элик*, *бозор-*

Учар, маза-матра, хом-хатала, азва-базза, апил-тапил, лаш-луш, икир-чикир, ўлда-жўлда каби.

2. Қўшма сўзларда икки мустақил маъноли морфеманинг бирикувидан албатта янги сўз ҳосил бўлади: *белбоғ, ҳар бир, тоғолча* каби. Жуфт сўзларда унинг иккала компонентиға хос маънодан тамомила фарқли, янги маъно ифодаловчи янги сўзнинг ҳосил бўлиши жуда кам процентни ташкил этади: *олди-қочди* (гап), *булар-бўлмас* (нарсa) каби.

3. Қўшма сўзнинг қандай морфемаларнинг бирикишидан ҳосил бўлишини бирор қолипға тушириб, группалаб бўлмайди. Шунингдек, қўшма сўзни ҳосил қилувчи компонентлар бир сўз туркумиға ёки турли сўз туркумиға оид бўлиши мумкин: *отқулоқ* (от+от), *кўк-қарға* (сифат+от), *қирқоғайни* (сон+от) каби. Жуфт сўзларнинг компонентлари эса бир туркумға оид бўлади: *бахт-саодат, ота-она, келин-куёв, катта-кичик, баланд-паст, аччиқ-чучук, аста-секин*.

4. Бир туркумға оид ҳар қандай икки сўз жуфтлашавермайди. Бунда жуфтлашувчи сўзларнинг маъно муносабати муҳим роль ўйнайди. Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, ўзаро қуйидагича муносабатда бўлган сўзлар жуфтлаша олади: 1) синонимлар жуфтлашади: *сарсон-саргардон, фаҳм-фаросат* каби; 2) антонимлар жуфтлашади: *катта-кичик, яхши-ёмон, баланд-паст* каби; 3) бирор тўдаға, турға оид (умумийлиги бўлган) нарсаларни билдирувчи сўзлар жуфтлашади: *қозон-товоқ, кўрпа-ёстиқ* каби.

5. Жуфт сўз ифодалайдиган маъно компонентларининг мустақил маъноға эға ёки эға эмаслигиға, жуфт сўзнинг қандай характердаги сўзлардан ташкил топганиға ҳам боғлиқ:

1. Компонентлари мустақил маъноли бўлган жуфт сўзларда жамлик, умумлаштириш каби маънолар ифодаланади. Жумладан: а) синонимлар жуфтлашганда: *иззат-ҳурмат, шон-шухрат, бахт-саодат, ошна-оғайни, қариндош-уруғ* каби; б) антонимлар жуфтлашганда: *Душман бор-йўғини бой берди. (Н. Сафаров.) Овқат устида Хадича хола қишлоқда бўлиб ўтган ҳамма катта-кичик ҳодисалар ҳақида гапириб берди. (А. Қаҳҳор.);* в) маълум тўдаға, умумий бирликка эға бўлган нарсаларни билдирувчи сўзлар жуфтлашганда: *Ўлмас идиш-товоқларни йиғиштирди. (Ё. Шукуров.)*

Эркаклар, хотинлар **кўрна-ёстиқларини** кўтариб дала шийпонларига чиқишди. (Х. Назир.)

Хуллас, мустақил маъноли сўзлардан ташкил топган жуфт сўзларнинг асосий хусусияти жамлик, умумлаштиришни ифодалашдир. Мустақил маъноли сўзларнинг жуфтлашишидан янги маъноли сўз ҳосил бўлиши жуда кам учрайди. Шунда ҳам жуфт сўзнинг компонентлари ўз асл маъносида қатнашмайди: *Отам ҳам уйғонгач, нари-бери чой ичиб, кўчага чиқдик.* (Файратий.) *Аммо у гўдак эди, дунёнинг борди-келдисини ҳам, бу одамларнинг чақирқиқларида самимият йўқлигини ҳам билмасди.* (П. Турсун.) *Унда-мунда бу манзараларни хира қилиб турган қамишзор тўқайлар, кўкатлари қовжираган шўрхок ерларга кўзи тушаркан...* (Х. Назир.)

Мустақил маъноли сўзлардан тузилган жуфт сўзнинг компонентлари нутқда уюшиқ бўлак ҳолида қўлланиши мумкин. Бироқ бу ҳолда, биринчидан, икки сўз орасидаги пауза узоқ бўлади; жуфт сўз компонентлари орасидаги пауза эса қисқа бўлади. Қиёсланг: *бахт-саодат* — *бахт, саодат* (*бахт* ва *саодат*); *уй-жойли* — *уйли, жойли*; *наст-баланд* — *наст, баланд* каби. Иккинчидан, жуфт сўз жамлик, умумлаштириш ифодалайди. Унинг компонентлари уюшиқ ҳолда қўлланса, бу маъно ифодаланмаслиги мумкин. Қиёсланг: *ота-она* — *ота, она* (*ота* ва *она*), *катта-кичик* — *катта, кичик* (*катта* ва *кичик*) каби.

Демак, жуфт сўзларда бир бутунлик бор. Бу унинг форма бутунлигидир. Шунинг учун ҳам форма ясовчи аффикслар жуфт сўзнинг охирига (иккинчи компонентга) қўшилади: *Кўсак қуртини йўқотиб, ҳосилни сақлашда колхозчи ота-оналаримизга ёрдам берайлик.* (Х. Назир.) *Тақсир, у киши тўртинчи осмонда бўлсалар нон-сувларидан ким хабар олиб туради?* („Афанди латибалари“.) Агар форма ясовчи аффикслар ҳар бир компонентга қўшилса, орадаги пауза узаяди, жуфт сўз уюшиқ бўлакка айланади. Қиёсланг: *ота-оналаримизга* — *оталаримизга, оналаримизга, нон-сувларидан* — *нонларидан, сувларидан*.

2. Жуфт сўзларнинг мустақил маънога эга бўлмаган компоненти ҳозирги ўзбек тилида мустақил қўлланмайди: *тўс-тўполон, бозор-учар, ваяж-карсон, латта-путта, мева-чева* каби.

Бир компоненти мустақил қўлланмайдиган жуфт сўзларда икки ҳодисани кўриш мумкин: а) иккала компоненти аслида мустақил маъноли бўлиб, ҳозирда бир компоненти мустақил маъносини йўқотган жуфт сўзлар. Бундай жуфт сўзлар умумлаштириш маъносини ифодалайди: *гина-кудурат, боғ-роғ, темир-терсак, тўс-тўполон*; б) иккинчи компоненти биринчи компонентининг фонетик ўзгаришидан иборат бўлган жуфт сўзлар: *чала-чулпа, майда-чуйда, ош-пош, нон-пон, қора-қура; азраб-сазраб*. Бунда фонетик ўзгаришнинг қуйидаги асосий кўринишлари бор: а) бир товуш (биринчи товуш) ўзгаради: *мэва-чева, бурда-сурда, чой-пой*; б) бир товуш орттирилади: *ирим-сирим (ирим-чирим), ора-чора, ун-пун, ош-пош* каби; в) унли товуш ўзгартирилади: *хашак-хушак, жэр-жур, дон-дун, калта-култа*; г) бош товуш ҳам, унли товуш ҳам ўзгартирилади: *майда-чуйда, ола-кула*; д) товуш ҳам орттирилади, унли ҳам ўзгаради: *ора-сира, алдаб-судаб*.

Мустақил қўлланадиган компонент ўз маъносида қўлланмаса, янги маъно ифодаланиши (янги сўз ҳосил бўлиши) мумкин. Лекин бундай сўзлар ҳам санокли даражада: *майда-чуйда* (баъзи арзимас нарсалар), *ора-сира* каби.

Иккинчи компонентини фонетик ўзгартиш орқали ҳосил қилинган жуфт сўзларда иккинчи компонент биринчи компонентдан фонетик жиҳатдан бутунлай ўзгариб кетмайди, балки унга яқин (ўхшашроқ) кўринишда бўлади. Шунинг учун *мэва-чева* сўздан мева ва шунга яқин, шунга ўхшаш нарсалар англашилади. *Ун-пун, нон-пон, чой-пой* кабиларда ҳам худди шундай.

3. Нутқимизда иккала компоненти мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар ҳам учрайди: *ғиди-биди, ўлда-жўлда, алпон-талпон, ади-бади, икир-чикир, аzza-баzza, апил-тапил, аланг-жаланг, ажи-бужи, апоқ-чапоқ, ими-жимиди, лаш-луш*. Бундай жуфт сўзлар бир лексик маъно ифодалаши билан бирга, уларда ҳам умумлаштириш, жамлик сезилади.

Бу типдаги жуфт сўзларнинг иккала компоненти аслида ҳам мустақил қўлланмайдиган бўлган дейиш мумкин эмас. Чунки тилда умуман бўлмаган „сўзлар“ дан жуфт сўз ҳосил қилиб бўлмайди. Бундай жуфт сўзлар ё аслида икки мустақил қўлланадиган сўздан

ташқил топган бўлиб, кейинчалик унинг компонентлари мустақил маъносини йўқотган бўлиши мумкин. Ёки биринчи компоненти мустақил маъноли бўлиб, иккинчи компоненти унинг фонетик ўзгарган шакли бўлган, кейинчалик биринчи компоненти ҳам мустақил маъносини йўқотган бўлади. Бу ҳодисани *аланг-жаланг* жуфт сўзи мисолида аниқ кўриш мумкин. Мазкур жуфт сўзнинг биринчи компоненти мустақил қўлланмайди. Лекин ҳозирги ўзбек тилида ундан *-ла* аффикси ёрдамида ясалган *алангламоқ* феъли бор. Демак, *аланг* ҳам аслида мустақил қўлланувчи сўз бўлган деб қараш керак бўлади.

Иккала компоненти мустақил маъноли сўзлардан бўлган жуфт сўзлар компонентларининг маъноси сақланишини кўрдик. Лекин бу жуфт сўз компонентлари жуфт сўз доирасида тамомила мустақил ҳолатда бўлади деган сўз эмас. Жуфт сўз компонентлари ўзаро бир бутунликда бўлади. Бу бутунлик (ажралмас ҳолатдалик) жуфт сўз компонентларининг жойлашиши тартибида ҳам кўринади.

Жуфт сўз компонентларининг ўрни (биринчи ёки иккинчи ўринда қўлланиши) асосан қатъий бўлади. Масалан, *қариндош-уруғ, ошна-оғайни, салом-алик, яхши-ёмон, катта-кичик, беш-ўнта* каби жуфт сўзларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди (*уруғ-қариндош* каби). Баъзи жуфт сўзлардагина компонентларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин: *эсон-омон—омон-эсон, ёзин-қишин—қишын-ёзин, секин-аста—аста-секин* каби.

Жуфт сўз компонентларининг тартибланишида (биринчи ёки иккинчи ўринда қўлланишида) маълум қонуниятлар бор. Бунинг асосийлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ҳажм, ёш жиҳатдан каттасини, вазифасига (мавқеига) кўра асосийсини билдирувчи сўз олдин (биринчи компонент сифатида) қўлланади: *Ота-бола, ака-ука, опа-сингил, хотин-қиз, невара-чевара, сигир-бузоқ, қўй-қўзи, кўрпа-ёстиқ, қозон-товоқ, товоқ-қошиқ, ўтин-чўп, тоғ-тош, катта-кичик, узун-қисқа* кабилар.

2. Маъноси кенгроқ бўлган (умумийроқ тушунчани ифодаладиган) сўз иккинчи ўринда қўлланади. Бундай қўлланиш жуфт сўзнинг умумлаштириш, жамлик

ифодалаш хусусиятига жуда мос келади: *от-улов, хатт-хабар, бева-бечора, соя-салқин* кабилар. Умуман олганда, от ҳам улов, лекин *улов* сўзи оддан бошқа юк ташийдиган, мишиладиган ҳайвонларни ҳам билдиради. Шунга кўра *от-улов* жуфт сўзида *улов* сўзи албатта иккинчи ўринда қўлланади.

3. Жуфт сўз ҳосил қилувчи сўзлардан бири иккинчисига нисбатан маънони кучли оттенка билан ифодалайдиган бўлади. Шундай хусусиятга эга бўлган сўз иккинчи компонент бўлиб қўлланади: *якка-ягона, тош-метин, камбағал-қашшоқ, дод-фарёд, чанг-тўзон*.

4. Баъзи жуфт сўз компонентларининг тартибланиши улар ифодалайдиган ҳаракат-ҳолат, вақт, миқдор ва шу кабиларнинг қонуний кетма-кетлиги билан боғлиқ бўлади: *салом-алик, савол-жавоб, эрта-индин, беш-олти* кабилар. Алик саломдан, жавоб саволдан, индин эртадан, олти бешдан кейин бўлади. Шу сабабли юқоридаги жуфт сўзларда *алик, жавоб, индин, олти* сўзлари иккинчи ўринда қўлланади.

Демак, жуфт сўз компонентларининг тартибланиши шу компонентлар ифодалайдиган маънонинг ўзаро муносабати асосида бўлади. Компонентлар ўртасида фарқли хусусият сезиларсиз бўлса ёки умуман бўлмаса, уларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин бўлади: *паст-баланд—баланд-паст, аста-секин—секин-аста* каби. Лекин бундай жуфт сўзлар кам миқдорда¹.

Юқорида кўриб ўтилганлардан маълум бўладики, иккала компоненти мустақил маъноли, шунингдек, бир компоненти маънога эга бўлмаган жуфт сўзларда икки компонентнинг бирликда (жуфт ҳолда) қўлланиши янги лексик бирликни (лексемани) юзага келтирмайди. Шундай экан, уни сўз ясалиш ҳодисаси деб ҳам бўлмайди. Жуфт сўзлар ифодалайдиган жамлик, умумлаштириш каби маънолар ҳам уларни сўз ясалиш ҳодисасидан кўра морфологик ҳодиса деб қараш тўғри бўлишини кўрсатади. Чунки жамлик, умумлаштириш маънолари,

¹Жуфт сўз компонентларининг тартиби ҳақида қаранг: Н. К. Дмитриев. Парные словосочетания в башкирском языке, Известия АН СССР, отд. гуманитарных наук, №7, 1930, 502—510- бетлар; А. Ф. Фуломов. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти асарлари, 1- китоб, Тошкент, 1949, 67-68- бетлар.

маънони кучайтириш кабилар сўз формаларига (сўзнинг у ёки бу формасига) хос хусусиятдир. Бу маънолар лексик маъно таркибига кирмайди, балки лексик маънога қўшимча тарздаги маънолар бўлади. *Унда-мунда, ора-сира, ўлда-жўлда* кабиларнинг янги маъно ифодалаш жуфт сўз ясалишидан кейинги ҳодиса, маълум вақтлар ўтиши билан юз берган ҳодиса деб қаралиши керак. Чунки, *тўс-тўполон, онда-сонда, лаш-луш* каби жуфт сўзларни ҳозирги кундаги актив ясалиш деб баҳолаш учун уларнинг компонентлари ҳозирги кунда ҳам қўлланаётган бўлиши керак.

Такрорий сўз. Лексик-грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилувчи, такрор ҳолда қўлланган сўз такрорий сўз дейилади: *баганд-баланд* (иморат), *омбор-омбор* (ғалла), *жўй-жўйга* (қўймоқ), *уш-ўша, минг-миг* (томошабин) каби.

Бир сўзнинг такрор ҳолда қўлланиши билан (бир сўз кетма-кет икки марта қўлланса) ҳамма вақт такрорий сўз (сўзнинг такрорий формаси) ҳосил бўлавермайди, яъни такрор ҳолда қўлланган сўз такрорий форма бўлавермайди. Айни бир сўзни такрор қўллаш билан сўзнинг лексик маъносидан ташқари яна бошқа маънолар ифодалаш мўмкин. Бирор маънони ифодалаш учун қўлланган бундай такрорий сўзлар лексик ва грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади: *Қуюқ япроқлар орасидан шода-шода осилиб, мўралаб турган олчалар яшил гилмга нуқта-нуқта қизил гулчалар тикиб қўйганга ўхшаб товланади.* (Х. Назир.) *Шамол бу ерда мастди, Гулларни қуча-қуча.* (Ойбек.) Келтирилган мисоллардаги *шода-шода, нуқта-нуқта* такрорий сўзлари кўплик маъносини, *қуча-қуча* жуфт сўзи ҳаракатнинг такрорийлигини билдиради.

Айни бир сўз такрор (ёнма-ён) қўллангани билан, унинг ўз лексик маъносидан бошқа маъно ифодаланмаслиги мумкин. Бундай ҳолда такрорий форма ҳосил бўлмайди, балки у бир сўзнинг оддий такрори ҳисобланади: *Қўрқма, қўрқма! — деб такрорлади Арслон ака.* (Ё. Шукуров.) — *Э, келинг, келинг! Қандай бўлиб кириб қолдингиз, директор опа?* (С. Зуннунова.)

Икки компонентдан ташкил толиши, маълум бир лексик-грамматик маънони ифодалаш каби хусусиятлари билан такрорий сўзлар жуфт сўзларга жуда яқин

туради. Лекин жуфт сўзлар билан такрорий сўзлар ўзларига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Буларнинг ўзаро фарқли белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жуфт сўз ҳамма вақт бошқа-бошқа сўздан ташкил топади: *ақл-ҳуш*, *ёзин-қишин* каби. Такрорий сўз айнаи бир сўзнинг такроридан ҳосил бўлади: *баланд-баланд*, *қумоқ-қумоқ*.

2. Жуфт сўзнинг бир, ҳатто, иккала компоненти ҳозирги ўзбек тилида мустақил маъносини йўқотган бўлиши мумкин: *апил-тапил*, *икир-чикир* каби. Такрорий сўзнинг иккала компоненти ҳам мустақил маъноли бўлади: *баланд-баланд*, *қатор-қатор*, *тез-тез* каби.

3. Жуфт сўзлар, асосан, умумлаштириш, жамлик маъноларини ва турли маъно оттенкаларини ифодалайди. Такрорий сўзлар кўплик, давомлилик, такрор каби маъноларни ифодалайди.

Такрорий сўзларда янги сўз ясалиши ҳолати деярли учрамайди, яъни айнан бир сўзни такрорий ҳолда қўллаш билан янги бир сўз ясалмайди. Такрорий сўзлар кўплик, такрор, давом каби маъноларни ифодалаш учун, маънони кучайтириш учун қўлланади: *у ҳужрада тўкилиб-сочилиб ётган нарсаларни йиғиштириб, жой-жойига қўйди.* (И. Раҳим.) *Суяк-суягидан ўтиб кетган совуқ, очлик, ўз таъсирини кўрсата бошлади.* (Х. Шамс.) *Баъзи-баъзида қушлардан кўрқмаган катта балиқлар кўкка сакрар, қумуш ранг тангачаларини ҳавода ялтиратиб, яна сувга шўнғирдилар.* (О. Ёқубов.) *Қўшчи югуриб келиб уни бўйнидан қучоқлаб олди, хўрлиги келиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.* (М. Исмоилий.)

Кўринадики, такрорий сўзлар ифодалайдиган маънолар ҳам лексик маъно таркибига кирмайди, балки лексик маънога қўшимча тарздаги маънолар ҳисобланади. Такрорий сўзлар ифодалайдиган кўплик, давом, такрор каби маънолар грамматик маънолар, сўз формасига хос маънолардир. Шунинг учун ҳам такрорий сўзларни сўз ясалиши ҳодисаси эмас, балки морфологик ҳодиса деб қараш тўғри бўлади.

Хуллас, жуфт ва такрорий сўз ясалиши аффикслар ва ёрдамчи сўзлар воситасида форма ясалиш ҳодисасидан тубдан фарқ қилса-да, яъни улар ҳақиқий маъ-

нодаги форма ясалишдан маълум даражада фарқланса-да, лекин, барибир, улар лексик ҳодиса эмас, балки Грамматик ҳодиса ҳисобланади. Шунга кўра улар тил-шуносликнинг сўз ясалиши бўлимининг эмас, балки морфология бўлимининг ўрганиш объекти бўлиши керак.

Ҳозирги ўзбек тилида *-ба, -ма* элементлари ёрдамида боғланган *ранг-баранг, дам-бадам, кетма-кет, бетма-бет, далама-дала, уйма-уй, йўлма-йўл* каби сўзлар анчагина бор.

-ба ва *-ма* элементлари аслида форс-тожик тилларига хосдир. Ўзбек тилида аввал шу элементлар ёрдамида ясалган форс-тожик тилларига хос бирикмаларгина қўлланган бўлиб, кейинчалик *-ба* ва *-ма* элементлари ёрдамида ўзбек тилига оид сўзлардан ҳам шу типдаги бирикувлар ҳосил қилина бошлаган.

Ўзбек тилида жуфт ва такрорий сўзларнинг компонентлари ҳеч қандай боғловчи элементсиз бириккан бўлади, яъни ўзбек тилида жуфт ва такрорий сўзларнинг ташкил топишида бирор аффикс ёки боғловчилар қатнашмайди. Сўзларнинг бирор аффикс ёки боғловчилар ёрдамида боғланишидан жуфт ёки такрорий сўз ҳосил бўлмайди. Шунга кўра, *ранг-баранг, кўчама-кўча, бетма-бет* кабиларда икки сўз *-ба, -ма* элементлари ёрдамида боғланган экан, ўз-ўзидан, уларни жуфт ёки такрорий сўзлар қаторига киритиш тўғри бўлмайди.

-ма элементи икки сўзни ўзаро боғлаш учун хизмат қилса ҳам, лекин уни ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар қаторига киритиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, ўзбек тилида боғловчилар турли маънога эга бўлган бошқа-бошқа сўзларни, сўз бирикмаси, ҳатто гапларни бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилади. *-ма* элементи эса айни бир сўзнинг такрор ҳолатини боғлаш учун хизмат қилади. Иккинчидан, ўзбек тилида боғловчилар ёрдамида боғланган сўзлар ҳамма вақт ўз маъносини сақлайди ва гапнинг уюшиқ бўлаги ҳисобланади. Бунда шу сўзларнинг маъносига қўшимча маъно юкланмайди: *ака ва ука, дафтар ва қалам* каби. Айни бир сўзнинг такрори *-ми* элементи ёрдамида боғланганда, шу сўзнинг маъносига қўшимча турли маънолар англанади ва улар гапда бир бўлак вазифасида келади.

Ўзбек тилида *-ма* элементи ёрдамида боғланган сўзлар янги лексик маъно касб этиб, янги сўзга айланиши мумкин: *Бу ер ўртоқ Холназаровга ёқди шекилли, анча очилиб . . . йўл билмасалар ҳам ашулаларга қўшилиб, пойма-пой бўлса ҳам аскияларга луқма ташлаб ўтирдилар.* (С. Абдулла.) *Бир-биримизга айтган илиқ-иссиқ гапларимизни сўзма-сўз эсладим.* (Саид Аҳмад.) Бу мисоллардаги *пойма-пой, сўзма-сўз* сўзлари сўз ва *пой* сўзларидан фарқланувчи янги сўзлардир.

Икки сўзнинг *-ма* элементи ёрдамида боғланишидан янги сўз ҳосил бўлмай, шу сўзнинг маъносига қўшимча маънолар ифодаланган ҳолатларда, бу маънони *-ма* элементи ўрнида бошқа воситаларни (аффикс ёки кўмакчиларни) қўллаш орқали ҳам ифодалаш мумкин: *Бу команда тонгдаги хўрозлар қичқиришидай тезда бирини бири илиб, оғизма-оғиз мудофаанинг у бошигача ўтиб кетди.* (Шухрат.) *Хотинлар бир-бирига гап бермасдан чувиллашар, катта оқ пиёла қўлма-қўл айланарди.* (С. Зуннуова.) *Саида борганда, раис ҳамон ўшандай, сўрида оёғини осилтириб, навбатма-навбат гапирётган икки кишининг сўзига диққат билан қулоқ солиб ўтирар эди.* (А. Қаҳҳор.) Келтирилган мисоллардаги *-ма* элементи ёрдамида боғланган *оғизма-оғиз ўтиб, қўлма-қўл* ифодалаган маънони *оғиздан оғизга ўтиб, қўлдан қўлга* тарзида ифодаласа ҳам бўлади. „*Навбатма-навбат*“ ифодалаган маънони эса „*навбат билан*“ формасида ифодалаш мумкин.

Маълум бўладики, жуфт ва такрорий сўзлар жамлик, умумлаштириш, такрор, давом каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *-ми (-ба)* элементи билан бириккан сўзларда ифодаланган маъно турлича бўлиб, бу маъноларни умумлаштириб бўлмайди. Шу жиҳатдан ҳам уларни жуфт ёки такрорий сўзлар қаторига киритиб бўлмайди. Уларни алоҳида бир ҳодиса деб қараш керак. Шунингдек, бу типдаги ясалишни ҳақиқий маънода янги сўз ясалиш усули деб бўлмайди. Булардан маълум бир қисми янги маъно касб этиши (лексикализацияга учраши) мумкин.

Жуфт ва такрорий сўзларнинг компонентлари бирон грамматик форма ёрдамида бирикмайди. Компонентлари орасидаги паузанинг қисқалиги ва маълум бир маъно

ифодалаши жуфт ва такрорий сўз компонентларининг яхлитлигини, бир бутунликка эгаллигини кўрсатади. Худди ана шу бутунликнинг ифодаси сифатида ёзувда компонентлар орасига дефис қўйилади.

Ҳозирги ўзбек тилида махсус бирикиш формасига эга бўлган баъзи бирикмалар ҳам жуфт ёки такрорий сўз деб тасаввур этилиб, дефис билан ёзилмоқда. Бу ўқиш-ўқитиш ишларида қатор қийинчилик ва чалкашликларнинг юз беришига сабаб бўлади. Турли манбалардан олинган қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик: *Яйловда ўтлаб юрган қўй, сигир подалари, уюр-уюр йилқилар дала-нинг хуснига-хусн қўшди.* (Н. Фозилов.) *Мебелларни айтмайсизми? Вой ўлай, бири-биридан томоша, бири-биридан чиройли...* (М. Исмоилий.) *Ойиси ўсмали қошларини эгар қилиб, қизариб-бўзариб, лаби-лабига тегмай директорга алланималардан арз қиларди.* (Х. Назир.) *Уларнинг таржимани ҳоллари, қилган ишлари бир-бирига ипидан-игнасигача маълум бўлади.* (Х. Ф.) *Собир чамадончасини қўлтиқлаб, офтоб тиғида терлаб-пишганича у ёқдан-бу ёққа такда қўйди.* (Х. Назир.) *Бекордан-бекорга мукофотдан маҳрум этиб юборди.* (М. Қориев.) *Ноқоратунроқ ерларни ўзлаштиришда бошқирдизи Р. Зокирова, рус йигит А. Бусак, ... ўзбек ўғлини монтажчи Ж. Исроилов қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.* („Сов. Ўзб“.)

Келтирилган мисоллардаги *хуснига-хусн, бири-биридан, лаби-лабига, ипидан-игнасигача, у ёқдан-бу ёққа, қўлни-қўлга* кабилар жуфт ёки такрорий сўз эмас ва уларни дефис билан ёзишга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки буларда ҳар бир сўз ўзининг махсус формасига, яъни боғланишни кўрсатувчи формал белгига эга. Дефис эса ўзаро боғланишни (бутунликни) кўрсатувчи ҳеч қандай формал кўрсаткич бўлмаган ҳоллардагина, шу боғланиш (бутунликнинг) ёзувдаги ифодаси сифатидагина қўлланади. Дефисни ўринсиз қўллаш фақат „ортиқчалик“ кина эмас, балки қатор назарий чалкашлик, амалий зарар келтирувчи ҳолат сифатида қаралиши керак.

Хуллас, икки компонентнинг бирикиши махсус восита (форма) ёрдамида бўлганида улар жуфт ёки такрорий сўз бўлмайди ва дефис қўллашга эҳтиёж қолмайди. Шу жиҳатдан қараганда белгининг кучли дара-

жасини билдирувчи (кучайтирувчи) *кўпдан кўп, узундан узок, қуюқдан қуюқ, текиндан текин, янгидан янги, очиқдан очиқ* каби формани, шунингдек, ўзига мустақил формага эга бўлган компонентли *қирдан қирга, йилдан йилга, қўлни қўлга, ҳосилга ҳосил* (қўшмоқ), *кучига куч* (қўшилмоқ), *кўнгилга кўнгил* (тўғри келмоқ), *бири бирига* (ўхшамоқ) каби бирикмаларни дефис билан ёзишга эҳтиёж ҳам, асос ҳам йўқ. Булар жуфт сўз ҳам, такрорий сўз ҳам эмас. Уларни ажратиб ёзиш тўғри бўлади. Агар бундай боғланишдаги бирикув компонентларидан бирининг (одатда, биринчисининг) формаси ўзгарса ва у ўз мустақиллигини йўқотса, бирикув бир бутун ҳолга келиши сабабли, уларни дефис билан ёзиш мумкин: *бири бирига* (*бири*—бош келишик, III-шахс формасида)—*бир-бирига* (яхлитлигича) жўналиш келишиги формасидаги бир сўз.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган фактлардан маълум бўладикки, композиция усули билан сўз ясалиши деганда, ҳақиқий маънода, қўшма сўз ясалишинигина назарда тутиш мумкин. Жуфт ва такрорий сўзлар, асосан, турли грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади¹.

КАТЕГОРИАЛ ВА НОКАТЕГОРИАЛ ФОРМАЛАР

Юқорида бирор грамматик маъно ва шу маънони ифодаловчи форма бошқа грамматик маъно ва форма билан бирликда грамматик категория ҳосил қилиши ёки бундай хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин эканлиги кўрилди. Шу хусусиятга кўра сўз формалари икки асосий турга бўлинади: 1) *категориал формалар*; 2) *нокатегориал формалар*.

Категориал формалар маълум бир сўз туркумидаги бирор грамматик категорияга хос формалардир. Бундай формани ясовчи аффикслар категориал форма ясовчи аффикслар ҳисобланади. Масалан, отлардаги келишик ва эгалик формалари (*китобни, китобим*), феъллардаги замон, шахс-сон формалари (*ўқияман, ўқидим*) категориал формаларга киритилади.

¹Ўзбек тилидаги қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар ҳақида қаранг: А. Ғ. Ғуломов. Юқорида кўрсатилган асар; А. Ҳожиёв. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963; Б. Мадалиёв. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар, Тошкент, 1966.

Нокатегориал формалар бирон-бир грамматик категорияга оид бўлмайди. Улар сўзнинг маълум бир грамматик маъно ифодаловчи, маълум бир синтактик вазифага хосланган формасидир. Бундай формани ясовчи аффикслар нокатегориал форма ясовчи аффикслар ҳисобланади. Масалан, отларнинг кичрайтиш (*уйча, қушча*), эркалаш (*укажон*), феълнинг сифатдош ва равишдош формаси нокатегориал формалар ҳисобланади.

„Модал ёки субъектив баҳо формалари“ ҳақида

Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда баъзи сўз формалари „модал форма“ ёки „субъектив баҳо формаси“ номи билан берилиб, сўз формасининг алоҳида тури сифатида таърифланиб келмоқда. Бунда, асосан, кичрайтиш, эркалаш маъноси ва субъектнинг бошқа хилдаги муносабатларини ифодаловчи *қушча, қуёнча, қўзичоқ, акажон, қизалоқ* каби типдаги формалар назарда тутилади. Лекин ана шундай формаларни таърифлашда, унга бўлган муносабатда бир қатор хато ва нуқсонлар, чалкашликлар кўзга ташланади.

Ишнинг аввалги бўлимларида форма ясовчи аффиксларнинг икки асосий турга бўлиниши (категориал форма ясовчи аффикслар ва нокатегориал форма ясовчи аффикслар), демак, сўз формаларининг ҳам икки асосий тури—категориал формалар ва нокатегориал формалар каби турлари борлиги айtilган эди. Сўз формаларини бу типда иккига бўлиш ўз принципига эга, яъни бунда сўз формаларининг грамматик категорияга бўлган муносабати асосга олинади. Сўз формаларини „модал форма“ ёки „субъектив баҳо формаси“ каби турларга ажратишда эса бундай умумий принцип йўқ, улар ўз маъноларига кўра шундай турларга ажратилмоқда.

Эътибор берилса, „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ деб таърифланиб келаётган формалар сўз ясашига ҳам, грамматик категорияларга ҳам алоқаси бўлмаган ҳодисалар экани маълум бўлади. Бу жиҳатдан қараганда, „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ терминлари „нокатегориал форма“ маъносида қўлланаётгандек кўринади. Аслида эса бундай эмас.

Биринчидан, нокатегориал формалар ҳозирги ўзбек тилида жуда кўп миқдорни ташкил этади. „Субъектив баҳо формаси“, „модал форма“ ҳақида гапирилган ишларда эса санокли формалар ҳақидагина гап боради.

Иккинчидан, нокатегориал формалар деярли барча мустақил сўз туркумларида бор. Модал форма ёки субъектив баҳо формаси ҳақида гап борган баъзи ишларда улар фақат от¹ ёки сифат² туркумида ёки ҳар иккисида³ берилса, айрим ишларда бошқа туркумларда ҳам шундай формалар берилади⁴.

Ниҳоят, учинчидан, яна шуниси ҳам характерлики, айрим ишларда „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ сўз ясалиши баҳсида берилса⁵, баъзи ишларда „модал форма“ ва „субъектив баҳо формаси“дан ташқари, яна „функционал форма“ ҳам берилади⁶.

Бу фактлар, бир томондан, „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ деб қаралаётган ҳодисанинг сўз ясалиш ёки форма ясалиш ҳодисаси экани ҳақида шу вақтга қадар аниқ бир фикрга келинмаганини кўрсатса, иккинчи томондан, бу формалар сўз формасининг қандай тури экани масаласида ҳам аниқ ва тўғри бир фикрга келинмаганини кўрсатади. Буларнинг асосий сабаби ўзбек тилида сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаларининг ўзига хос хусусияти етарли ўрганилмаганлигида, шунингдек, форма ясалишига алоқадор умумий назарий масалаларнинг деярли ўрганилмаганлигидадир.

Сўз ясалиши ва форма ясалиши икки хил ҳодиса бўлганидан, аввало, „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ деб қаралаётган тил ҳодисаларини конкрет белгилаб олиш ва уларни тилшуносликнинг ўзлари оид соҳасида бериш асосий масала ҳисобланади.

¹Ҳозирги ўзбек адабий тили (коллектив), 1, Фонетика, лексикология, морфология, ЎзССР „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1966, 225- сеп.

²Ўзбек тили грамматикаси (коллектив), 1, Морфология, ЎзССР „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1975, 300- бет.

³У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, „Ўқитувчи“ нашриёти, Тошкент, 140-, 154- бетлар.

⁴М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, „Ўқитувчи“ нашриёти, 1966, 112-, 120-, 144-, 161- бетлар.

⁵Ҳозирги замон ўзбек тили (коллектив), Фаҳри Камол таҳрири остида, Тошкент, 1957, 338-бет; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1, Фонетика, лексикология, морфология, Тошкент, 1966, 226 бет.

⁶М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Кўрсатилган асар, 112-120-, 138-, 144-, 161-бетлар. У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Кўрсатилган асар, 140-, 154-, 188- бетлар.

Баъзи ишларда „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ сўз ясалиши ичида берилса-да, лекин „модал форма“, „субъектив баҳо формаси“ терминлари таркибида „форма“ сўзининг қўлланиши булар форма ясашиш ҳодисаси эканини кўрсатади.

Ўзбек тили морфологияси бўйича шу вақтга қадар асосан категориал формалар ўрганилганидан, кўпгина нокатегориал формалар сўз ясалиши баҳсида бериб келинган (бу ҳол *-даги*, *-дек*, *-ники* аффикслари ёрдамида ясалувчи формаларнинг берилишида ҳам кўрилади).

Масаланинг муҳим томони—шу формаларнинг қандай турдаги форма эканини белгилашдир.

Ҳар қандай грамматик форма (сўз формаси) грамматик маъно ифодалайди. Демак, бу нарса барча грамматик формалар учун умумий хусусият. Ана шу грамматик формалар ифодалайдиган маъно эса турли-туман. Лекин сўз формалари билдирадиган маъноларига қараб умумий турларга бўлинмайди. Сўз формаларини бу тарзда турларга ажратишнинг на назарий асоси, на амалий аҳамияти бор.

Сўз формалари, қандай маъно ифодаланишидан қатъи назар, грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) категориал формалар, 2) нокатегориал формалар¹. Ўзбек тилида ҳар қандай сўз формаси шу икки турдан бирига мансуб. „Модал форма“, „субъектив баҳо формаси“, „кичрайтиш-эркалалаш категорияси“ деб таърифлаб келинаётган *қушча*, *қўзичоқ*, *қизалоқ*, *акажон* каби формалар нокатегориал формалар қаторига киради. Чунки улар бирон бир форма билан оппозиция ҳосил қилмайди, бинобарин, грамматик категория ҳам ҳосил қилмайди.

„Модал форма“, „субъектив баҳо формаси“, „кичрайтиш-эркалалаш категорияси“ терминлари айнан бир типдаги ҳодисаларга нисбатан қўлланиб келмоқда. Баъзи ишларда „модал форма“, бошқаларида „субъектив баҳо формаси“, яна бошқа ишда „кичрайтиш-эркалалаш формаси“ термини қўлланса-да, лекин уларда келтирилдиган формалар, фактлар асосан бир хил. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки сўзловчининг ўз фикрига

¹Қаранг: „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, 1977, 1- сон, 42-бет.

муносабатини ифодаловчи маънога модал маъно дейилади¹, шу маънони ифодаловчи форма эса (маъноси асосида номланса) модал форма ёки субъектив баҳо формаси бўлади.

Энди ўзбек тилига оид адабиётларда „модал форма“ ёки „субъектив баҳо формаси“, „кичрайтиш-эркалаш формаси“ деб таърифланаётган формалар ҳақида икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади.

Сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи форма модал форма (субъектив баҳо формаси) ҳисобланар экан, ўз-ўзидан, айрим нокатегориал формаларнигина модал маъно ифодаловчи форма (субъектив баҳо ифодаловчи форма) деб қараш мумкин бўлади. Чунки нокатегориал формаларнинг маъно ва вазифа доираси жуда кенг бўлиб, улардан жуда саноқлисигина субъектив баҳо (модал маъно) ифодалайди. Ҳатто ўзбек тилига оид адабиётларда модал форма (субъектив баҳо формаси) деб таърифланаётган уч-тўртта форманинг ҳам ҳаммаси модал форма (субъектив баҳо формаси) эмас.

Масалан, модал форма (субъектив баҳо формаси) ҳақида гапирилган ишларнинг деярли ҳаммасида кичрайтиш билдирувчи *-ча* аффикси ёрдамида ясалувчи форма модал формалар (субъектив баҳо формалари) қаторига киритилади ва унинг кичрайтиш маъносини ифодалаши айтилади. Ваҳоланки, кичрайтиш маъносини модал маъно (субъектив баҳо) деб бўлмайди. Чунки, масалан, кичик стулни *стулча*, кичик қушни *қушча* деганда ҳеч қандай субъектив баҳо (субъектив муносабат, модал маъно) йўқ. Кичиклик белгиси шу предметнинг ўзида бор (объектив) нарса. Шундай экан, бундай хусусиятли формани модал форма ёки субъектив баҳо формаси деб бўлмайди. Тўғри, сўзни *-ча* аффиксли формада қўллаш билан эркалаш, камситиш каби муносабатлар ифодаланиши мумкин. Лекин бундай муносабатлар *-ча* аффиксининг кичрайтиш маъноси асосида сўзнинг лексик маъноси, интонация ва шу каби факторларнинг таъсирида реаллашади. Қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик: *Поезд бир неча соат йўл юргандан*

¹Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, 1, Морфология (коллектив), ЎзССР „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1975, 582-бет.

кейин ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади. (А. Қаҳҳор.) Далалар, боғлар, темир йўл ёқасидаги ҳовли ва ҳовличалар... — ҳаммаси ям-яшил. (О. Ёқубов.) Новларнинг челақчаларига тўлган сув баландликдаги ариқчага қуйилади-да бобосини соғиниб келган боғбон набирачадай боғ ичига чопади... (Х. Фулом.) Сал шошмай турсанг, яхшилаб уйлаб кўрардик-да, жиянча. (Х. Назир.) Чунки у кичик хотиннинг дўппиларини қайтариб олиб борса, жанжал бўлишини, нега меники ўтмас экан, етимча, деб уришини биларди. (Ё. Шукуров.)

Демак, *-ча* аффиксининг кичрайтиш хусусияти ҳар қандай ҳолатда ҳам сақланади. Шундай экан, *-ча* аффикси ҳамма вақт кичрайтиш ифодаловчи формант бўлиб қолади. Бу аффикс ёрдамида ясалган формани (айнан бир формани) кичрайтиш формаси, эркалаш формаси, камситиш формаси каби номлар билан аташ (шундай формалар сифатида баҳолаш) тўғри бўлмайди.

Маълум бўладики, *-ча* аффикси кичрайтиш маъносини ифодаловчи нокатегориал форма ясайди. Бу формани модал маъно (субъектив баҳо) ифодаловчи формалар қаторига киритиб бўлмайди.

Умуман, ҳозирги ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, маълум сўзларгагина қўшилиб, эркалаш; суйиш каби муносабат ифодаловчи *-жон* (*укажон*), *-хон* (*отахон*), *-лоқ* (*қизалоқ*) каби аффикс ва аффиксоидларни ҳисобга олмаганда, бу тилда у ёки бу сўз туркуми доирасида универсал тарзда, субъектив муносабат ифодаловчи форма ясайдиган аффикс (сўзнинг универсал тарзда қўлланивчи шундай маъноли формаси) йўқ. Бундай формаларнинг қўлланиш доираси уч-тўртта сўз ёки маълум типдаги сўзлар билан чегараланган. Шундай экан, субъектив баҳо ифодаловчи санокли формаларни форма ясалишининг асосий тури сифатида алоҳида ажратиш, айниқса, уларга нисбатан „субъектив баҳо категорияси“, „кичрайтиш-эркалаш категорияси“ терминини қўллаш тўғри эмас. Биронта ҳам мустақил сўз туркуми бундай грамматик категорияга эга эмас.

Ўзбек тили грамматикасидан дарслик ва қўлланилмаларда от ва сифатларнинг *укагинам*, *болагинам*, *яхшигина*, *юмшоққина* типдаги *-гина* (*-кина*, *-қина*) аффиксли қўлланиши шу сўз туркумларининг „модал

формаси“ ёки „субъектив баҳо формаси“ деб таърифланади.

Дарслик ва қўлланмалардан ташқари модал маъно ифодаловчи, субъектив баҳо ифодаловчи формаларга бағишланган ишларда ҳам *-гина* шундай форма ясовчилар қаторида келтирилади. Ҳатто *-гина* элементининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган махсус мақолалар ҳам бор. Бу ишларнинг ҳаммасида *-гина* омоним-аффикс сифатида берилади, яъни: 1) модал форма (субъектив баҳо формаси) ясовчи аффикс, 2) таъкид, чегаралаш ифодаловчи юклама-аффикс деб таърифланади. Бунинг исботи сифатида, биринчидан, *-гина* ифода-лайдиган кучайтирув, чегаралаш маъноси билан унинг субъектнинг турли муносабатини ифодалаши бошқа-бошқа ҳодисалар экани кўрсатилса, иккинчидан, бу маъноларни ифодалашда „*-гина*“нинг сўзга қўшилиш тартиби ҳар хил бўлиши кўрсатилади: *укамгина—укагинам, қизимгина—қизгинам* каби.

Профессор А. Ғуломов *-гина* юкламасининг урғу олмаслиги, *-гина* аффиксининг урғули бўлиши уларни фарқловчи белгилардан деб кўрсатади.

-гина элементига хос хусусият деб юқорида айтилганларга, ҳақиқатда ҳам, ўзбек тилидан жуда кўп-лаб мисоллар келтириш мумкин: *Бу оҳанг эшитилишдан дағал, койиганга ўхшаса ҳам аслида ўқитувчиларгагина хос бўлган меҳрибонлик, самимият туйғуси билан тўла эди. (С. Абдуқаҳҳор.) Фақат ўшаларгина гуноҳингдан кеча олади. (А. Мухтор.) Али Малик орадан бир неча йил ўтиб кетгачгина ўз шаҳрига қайтиб келди. (С. Абдуқаҳҳор.) Вой, шошманг, дийдоргинасига бир тўйволай. (Саид Аҳмад.) У шуларни ўйлар экан, гўё эриса бир кор-ҳол бўлиб, ўғилгинасидан ажралиб қоладигандай қўрқиб кетди. (Н. Фозилов.) Чой ичмадинг-ку, чойгинангни ичмадинг-ку, тентагим. (Саид Аҳмад.) Толомга сотувчи серпангина йигит экан. (Саид Аҳмад.)*

Бироқ бу фактлар *-гина* элементи ҳозирги ўзбек тилида ҳам юклама, ҳам от ва сифатнинг модал формаси (субъектив баҳо формаси) ясовчи аффикс, ўзбек тилида от ва сифат туркуми шундай нокатегориал формага эга дейиш учун асос бўла олмайди.

Авалло шуни айтиш керакки, *-гина* элементини

субъектив муносабат ифодаловчи восита сифатида от ва сифат туркумига хос форма ясовчи аффикс деб қарашнинг ўзи тўғри эмас. Чунки ўзбек тилида икки мустақил сўз туркуми учун умумий тарзда бир хил маъно ва вазифадаги форма ясалиш ҳодисаси ва шундай формани ясовчи аффикс йўқ. Шу қонуниятнинг ўзиёқ *болагинам, яхшигина* типдаги қўлланишларни от ва сифатнинг ўзига хос форма ясалиши (от ва сифатнинг субъектив баҳо формаси) деб баҳолашга имкон бермайди.

Бундан ташқари, *-гина* элементининг чегаралаш (айириш) маъноси билан таъкид маъноси ва субъектнинг турли субъектив муносабати маъноси тамомила бир-биридан фарқли (узилган) маънолар эмас, балки бу маънолар ўртасида озми-кўпми боғланиш бор. Масалан: *Оқариб турган ўркакларни ёнгинасига борганда кўришди. (А. Мухтор.) Фатҳиддин ака нимадандир шошиб, ҳовлиқиб кириб келганида Рихсихон бир бўйрагина ерга экилган пийёзни ўтоқ қилаётган эди. (С. Зуннунова.) Мен ҳам кўчанинг чангидан қочиб четдангина велосипедни тез ҳайдай бошладим. (Ойдин.)* Бу мисолларда *-гина* элементи қатъий айириш маъносини („фақат“ деган маънони) ифодаламаса ҳам, лекин шунга яқин маъно, таъкид маъноси борлиги сезилиб турибди. Қуйидаги мисолларда яна бир оз бошқачароқ ҳолни кўрамай: *Менгинани куйдириб, шақларда юрибман дегин. (Саид Аҳмад.) Аксига олиб эрталаб лиммо-лим оқайтган сув тиниб қолибди, ариқнинг таккинасида жилдираб ётибди. (Р. Файзий.) Қадаҳлар бир-икки кўтарилгунича одамлар-деккина утиришган эди. (С. Зуннунова.) Матнийёз бу пахтадаккина юмшоқ, илиқ вужудни яна бағрига олди. (А. Мухтор.) Кечроққа борганда у йикки марта таксининг яқингинасидан ғувиллаб ўтиб кетди. (А. Мухтор.)*

Бу мисолларда айириш (чегаралаш) маъноси йўқ даражада, лекин таъкид маъноси сезилади. Шу билан бирга субъектнинг турлича муносабати ҳам ифодаланади. Қуйидаги мисолларда эса айириш (чегаралаш), таъкид маънолари умуман сезилмайди, субъектнинг турлича муносабатини кўрсатувчи маънолар ифодаланади: *Ҳой, бу ким десам, сенмидинг, сўйлоққинам? Вой айланиб кетай дарозгинамдан! (О. Ёқубов.)*

Жажжигина, чуваккина, иссиққина шу вужуд унга дарҳол қувват бағишлади. (А. Мухтор.)

Келтирилган фактлардан маълум бўладики, **-гина** элементининг айриш (чегаралаш), таъкид маъноси билан субъектнинг турли муносабатини ифодаловчи маъноси ўртасида боғланиш бор¹. Шу ҳодисанинг ўзиёқ **-гина** элементини икки ҳодиса—юклама ва форма ясовчи аффикс деб қарашга имкон бермайди.

Маълумки, форма ясалиши морфологик ҳодиса. Ҳар бир сўз туркуми ўзига хос форма ясалиш системасига, ўзига хос форма ясовчиларига эга. Сўз туркумлари бўйича умумий тарзда форма ясовчилар йўқ. Сўз туркумлариаро умумий тарзда қўлланиш юкламаларга хос хусусият. Шу қонуният асосида ёндашилганда ҳам субъектив баҳо ёки модал маъно ифодаловчи **-гина** элементини форма ясовчи аффикс деб бўлмайди. Чунки **-гина** бу маъно ва вазифада деярли барча мустақил сўз туркумлари доирасида қўллана олади: *Биттаси анчагина ёшга бориб қолган, иккинчиси ёшроқ, қотмагина.* (Ойдин.) *Тоҳирнинг эшиги олдига етиб келишганида улар сўзсизгина хайрлашишди.* (Э. Усмонов.) *Каменка қишлоғи Белостокнинг шундайгина ўнг пинжигга жойлашган.* (С. Абдуқаҳҳор.) *Улар ўша пайтларда ёзилган ва ҳозир танқидчилар рўйхатида пьесалардан фарқ қилса, салгинаёқ фарқ қилади.* (О. Ёқубов.) *Кунни билан бир фойдали фикр кетида юриб, қорни очганини ҳам сезмаган Тўра, онасининг гапини эшитгач, бўшашибгина супа четига ёнбошлади.* (Н. Фозилов.) *Гулсанам тезгина орқасига қайрилиб уйига кетаверди.* (Ойдин.)

-гина элементи таъкид-чегаралаш ифодаланмаган ҳолларда бир умумий хусусиятга эга бўлади, яъни нарса, белги кабиларга субъектив муносабат кўрсатади. Ана шу субъектив муносабат асосида **-гина** элементи қўшиладиган сўзнинг хусусияти ва бошқа факторлар таъсирида эркалаш, кучайтириш, сусайтириш каби маънолар реаллашуви мумкин.

¹ Проф. А. Фуломовнинг кўрсатишича, **-гина** элементининг чегаралаш маъноси кичрайтиш маъносининг тури (види) модификациясидир.

-гина элементи отларга қўшилиб субъектив баҳо формасини ясайди дейилган ишларнинг барчасида бу „форма“нинг кичрайтиш маъносини билдириши кўрсатилади. Лекин у отларга қўшилганда, ҳеч вақт кичрайтиш билдирмайди, балки субъектнинг турлича ҳис-туйғуси нуқтаи назаридан муносабатини билдиради, шу ҳис-туйғуни кучайтириб, таъкидлаб кўрсатади: *Чой ичмадинг-ку, чойгинангни ичмадинг-ку, тентагим. (Саид Аҳмад.) Вой, шошманг дийдоргинасига бир тўйволай. (Саид Аҳмад.) У шуларни ўйлар экан, гўё эрига бир кор-ҳол бўлиб, азамат ўғилгинасидан ажралиб қоладигандай қўрқиб кетди. (Н. Фозилов.)*

-гина элементи белги билдирувчи сўзларга қўшилганда ҳам субъектнинг шу белгига бўлган муносабатини таъкидлаб кўрсатади. Бунда белги кучли ёки кучсиз даражада бўлиши мумкин. Бу нарса турли факторлар: сўзнинг маъноси, интонация таъсирида реаллашади: *Кечроққа борганда у икки марта таксининг ёнгинасидан ғувиллаб ўтиб кетди. (А. Мухтор.) Кунни билан бир фойдали фикр кетида юриб, қорни очганини ҳам сезмаган Тўра, онасининг галини эшитган, бўшашибгина супа четига ёнбошлади. (Н. Фозилов.) Бир кунни менинг ҳузуримга маданийгина кийинган бир кекса кириб келди. („Ўзб. маданияти“ газ.)*

Демак, -гина элементи белги билдирувчи сўзларга қўшилганда, белгининг конкрет бир даражасини (кучли, ўрта ёки кучсиз даражасини) кўрсатмайди, балки, умуман, субъектнинг муносабатини кўрсатади. Белгининг даражаси бошқа факторлар таъсирида реаллашади. -гина элементининг кичрайтиш, эркалаш билдирмаслиги, шунингдек, белги даражасини кўрсатмаслиги, балки, умуман, субъектив муносабат ифодалашни қуйидаги бир мисолда яна ҳам аниқ кўринади: *Интернатда катта бўлган етимгина бола экан. (Ў. Ҳошимов.)*

Кўринадики, таъкид, чегаралаш ифодаламаган -гина элементи кичрайтиш билдирмайди, белгининг у ёки бу тарздаги аниқ даражасини ҳам кўрсатмайди, балки субъектив муносабат ифодалайди, холос. Бу ҳол -гина субъектив баҳо формасини ясайди дейишга асос бўла олмайди. Чунки умумий тарздаги субъектив муносабат ифодалаш сўз формасига эмас, балки кўпроқ юкламаларга хос хусусиятдир.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган фактлар кўрсатадики, биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида *-гина* элементи ифодаладиган айириш (чегаралаш), таъкид ва субъектив баҳо маънолари ўртасида маълум боғланиш бор. Бу нарса *-гина* элементи ҳозирги ўзбек тилида икки хил функциядаги (юклама ва форма ясовчи аффикс бўлган) тил ҳодисаси деб қарашга имкон бермайди. Иккинчидан, *-гина* элементининг айириш (чегаралаш) маъноси билан унинг бошқа маънолари ўртасида алоқа бўлмаган (узилган) тақдирда ҳам, ҳозирги ўзбек тилидаги *-гина* ҳам юклама, ҳам форма ясовчи аффикс дейишга асосимиз йўқ. Чунки кўриб ўтганимиздек, *-гина* элементининг айириш (чегаралаш) маъносидан бошқа маъно, яъни субъектив муносабат ифодалаш барча сўз туркумлари доирасида умумий ҳолат. Демак, субъектив муносабат ифодаловчи восита сифатида ҳам *-гина* юкламадан бошқа нарса бўла олмайди.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК СТРУКТУРАСИ

Шу вақтга қадар ўзбек тили грамматикаси бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларда, илмий грамматикаларда, шунингдек, сўзнинг морфологик структураси ҳақида гап борган монография ёки мақола тарзидаги ишларда сўзнинг морфема структураси унинг (сўзнинг) морфологик структураси тарзида таърифланиб келмоқда. Масалан, *ишчиларимиздан* сўзининг морфологик структураси *иш + чи + лар + имиз + дан*, *ишляпти* сўзининг морфологик структураси *иш + ла + яп + ти* деб кўрсатилади. Лекин бундай қараш ҳақиқатга мос келмайди.

Сўзнинг структураси (сўз состави, сўз таркиби) масаласи ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар тўла ва тўғри ёритилмаган мураккаб ва мунозарали масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунга сабаб тилшуносликдаги айрим умумий назарий масалаларнинг етарли ҳал этилмаганлигидир.

Ўзбек тилида сўз структураси жиҳатидан жуда содда ёки ниҳоятда мураккаб кўринишли бўлиши мумкин: *иш + чи*, *тер + им + чи + лар + имиз + нинг* каби. Сўз структураси ўзак, сўз ясовчи аффикс ва форма ясовчи

аффиксдан тузилиши мумкин. Ҳатто бир сўзда бирдан ортиқ сўз ясовчи ва бирдан ортиқ форма ясовчи аффикслар иштирок этиши мумкин:

ўзак	сўз. яс. афф.	фор. яс. аф.
<i>тер</i> +	<i>им</i> + <i>чи</i> +	<i>лар</i> + <i>имиз</i> + <i>га</i> .

Сўз структурасига, қандай компонентлардан ташкил топишидан қатъи назар, морфологик структура деб қаралиб, шу асосда қисмларга ажратилади ва махсус номлар билан аталади. Бунда сўз таркибидаги ўзак ва аффикс деб аталувчи қисмларни тушунишдагина мутахассислар ўртасида бир хил қараш мавжуд; шу ўзак ва аффикслардан иборат структурани қисмларга ажратиш, номлаш ва таърифлашда эса ҳар хилликлар, қарама-қаршиликлар бор. Масалан, *пахтакорлар*, *теримчиларни* сўзларидаги „*пахтл-*“ ва „*тер-*“ барча томонидан ўзак деб, *-кор*, *-им*, *-чи*, *-лар* эса аффикс деб тан олинади. Лекин, масалан, *теримчиларни* сўзини қисмларга ажратиш, номлаш ва таърифлашда бир хилликка келинмаган.

Сўз структураси бўйича зиддиятлар „негиз“ деб тан олинаётган „ҳодиса“ни тушуниш ва таърифлашдадир.

Кўпчилик ишларда „негиз“ сўзнинг лексик маъно ифодаловчи қисми, сўздан форма ясовчилар олиб ташлангандан қолган қисми сифатида қаралади. Лекин шундай умумий нуқтаи назар бўлгани билан „негиз“ нинг тушунилишидаги конкретликда яна ҳар хилликлар юзага келади. Масалан, баъзилар „негиз“ни лексик маъно ифодаловчи қисм сифатида таърифлаб, унинг туб ёки ясама бўлишини тан оладилар. Демак, бунда „негиз“нинг ўзакка тенг бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Айрим ишларда эса „сўзнинг ўзак шаклларида сўз ясовчи аффикслар қўшилиши билан ҳосил бўлган янги форма негиз дейилади“. Демак, бунда негизнинг ўзакка тенг келиши мумкинлиги инкор этилади. Озод Қосимхўжаева ҳам негизни худди шундай тушунади. Автор сўзда қанча ясама қисм борлигига қараб негизларни бирламчи негиз, иккиламчи... негиз деб атайди ва сўзда еттиламчи негиз бўлиши мумкинлигини айтади. Лекин сўзнинг ўзак шаклига сўз ясовчи аффикс қўшилишидан ҳосил бўлувчи қисм не-

гиз деб тан олингани ҳолда, нима учундир, сўзнинг форма ясовчи аффиксларга эга бўлган қисми ҳам негизлар қаторига киритилади. Масалан, *озиқлантирилмаганидан* сўзида олтига негиз борлиги кўрсатилади (*озиқла-; озиқлан-; озиқлантир-; озиқлантирил-; озиқлантирилма-; озиқлантирилмаган-*).

Бундай қараганда, „негиз“ни сўзнинг лексик маъно ифодаловчи қисми, сўздан форма ясовчи аффикслар олиб ташлагандан қолган қисм, деб тушуниш ва таърифлашда тўғри илмий-назарий асос (принцип) бордек кўринади, яъни бунда форма ясалишига асос бўладиган қисм негиз деб қаралади. Лекин қуйидаги икки фактнинг ўзиёқ юқоридаги принцип билан сўз таркибидан „негиз“ деган қисм ажратишнинг асосли бўла олмаслигини кўрсатади. Биринчидан, сўзнинг форма ясовчи аффикслар қўшиладиган қисмининг ўзи ҳам таркибий қисмларга ажралиши мумкин. Масалан, *теримчиларимизга* сўзининг *теримчи* қисми *тер+им+чи* каби таркибий қисмларга бўлинади. Демак, *терим* сўзида *тер* ўзак экан, *ўз-ўзидан*, *теримчи* сўзига нисбатан унинг *терим* қисми нима бўлади, деган савол туғилади ва бу саволга жавоб берилиши ҳам шарт. Иккинчидан, *теримчиларимизга* сўзининг форма ясовчиларни олган қисми ҳам таркибий қисмларга бўлинади: *теримчилар+имиз+га*. Демак, сўз таркибий қисмларга бўлинар экан, бу қисмларнинг ҳам нима бўлиши, қандай ҳодиса экани ёритилиши керак бўлади. Таркиби нуқтаи назаридан сўз ўзак ва негизларга ажратиладиган ишларда бу саволларга жавоб топилмайди. Шундай экан, сўз структурасини юқоридаги типда қисмларга ажратиш ва таърифлаш тўла ва тўғри (асосли) бўла олмайди.

Ясама сўзнинг морфема нуқтаи назаридан структураси ҳам анча мураккаб бўлиши мумкинлигини кўриб ўтдик (*тер+им+чи+лик*). Ана шу структурадаги қисмларни ажратиш кераклигига эътибор бериб, айрим авторлар, юқорида кўриб ўтганимиздек, негизни бирламчи, иккиламчи, учламчи...деб атайдилар. Лекин бунга ҳам тўғри деб бўлмайди. Чунки „негиз“ деб тан олинаётган нарса форма ясалишига асос бўлувчи қисм экан, сўз структурасида „негиз“ бирдан ортиқ (бирламчи, иккиламчи...) бўла олмайди.

Негиз ҳодисасини яна бошқачароқ тушуниш ва таъ-

рифлаш ҳолларини учратиш мумкин. Масалан, С. Усмонов сўз структурасида негизнинг уч тури бўлиши мумкинлигини айтади ва унинг таърифича „Ҳар бир морфологик қўшилиш учун асос бўлган қисм негиз дейилади... Сўз ясовчи аффикс оладиган негиз лексик негиз дейилади... Форма ясовчи аффикс оладиган негиз морфологик негиз дейилади... Форма ўзгартувчи аффикс оладиган негиз синтактик негиз дейилади... Бир турдаги аффикс бирдан ортиқ келса, негизлар ўз ичида биринчи лексик негиз, иккинчи лексик негиз каби; биринчи морфологик негиз, иккинчи морфологик негиз каби; биринчи синтактик негиз, иккинчи синтактик негиз каби белгиланади“¹.

Кўришиб турибдики, „негиз“ни турларга ажратишда сўз структурасида у ёки бу қисмнинг аффикс турларидан қайси бирининг қўшилишига асос бўлиши назарда тутилади. Шу жиҳатдан, негизни бу тарзда тушуниш тўғридек ва аниқ илмий назарий асосга эгадек кўринади. Ҳақиқатда эса аввалги бўлимларда кўриб ўтганимиздек, биринчидан, ўзбек тилидаги аффикслар ўз вазифаларига кўра уч турга эмас, балки икки турга (сўз ясовчи ва форма ясовчиларга) бўлинади. Шундай экан, С. Усмонов кўрсатган „синтактик негиз“, ўз-ўзидан, йўқ нарсаси. Иккинчидан, сўзнинг морфологик структураси таҳлилида „лексик негиз“, „синтактик негиз“ ҳақида гапиришнинг ҳам ўрни йўқ.

Ниҳоят, учинчидан, „ҳар бир морфологик қўшилиш учун асос бўладиган қисми „негиз“ деб қараш ва „негиз“ деб аталаётган нарсани биринчи, иккинчи... каби қисмларга ажратиш асосли эмас.

Юқорида келтирилган фактлардан маълум бўладики, сўз структураси масаласи ўзбек тилшунослигида тўла ва тўғри ҳал этилмаган. Сўз структураси масаласида давом этиб келаётган барча чалкашликларнинг асоси шу вақтга қадар сўзнинг ўзак ва аффикслардан ташкил топган ҳар қандай структурасини морфологик структура деб қараш ва шу асосда уни таҳлил этиш эди.

Сўз ўзак ва аффиксал морфемалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Бундай сўзнинг структураси мор-

¹М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, Тошкент, 1966, 86-87-бетлар.

фемика, сўз ясалиши ва форма ясалишининг (морфологиянинг) ўрганиш объекти бўла олади.

Морфемика сўз структурасида морфемаларнинг турини, ҳар бир турга хос хусусиятларини ўрганади. Масалан, *ишчиларимиздан* сўзининг морфема структураси *иш + чи + лар + имиз + дан*. Морфемика ана шу структурадаги ҳар бир морфеманинг хусусияти ҳақида баҳс юритади.

Аффиксал морфеманинг сўз ясовчи ва форма ясовчи тури борлиги маълум. Демак, булар тилшуносликнинг икки соҳаси—сўз ясалиши ва морфологиянинг ўрганиш объектидир (сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида бўлими экани кейинги вақтда эътироф этилган).

Сўз ясалиши баҳсида ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар ўрганилади. Ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар шу сўзнинг сўз ясалиш структурасини ташкил этади. Масалан, *унумдорликни* сўзининг *унумдорлик* қисмида учта сўз ясовчи аффикс бор (*-ум, -дор, -лик*). *Унумдорликни* сўзининг *унумдорлик* қисмига хос структура сўз ясалишига оид структурадир. Шу сабабли бу структура (қисм) сўз ясалиши баҳсида ўрганилади. Сўз ясалиши таҳлилида сўзнинг шу қисмидан кейинга ўтилмайди (ундан кейинги ҳодиса форма ясалиши ҳодисасидир).

Сўз ясалиши таҳлилида фақат сўз ясалишига оид структура ўрганилганидек, морфологик таҳлилда ҳам сўзнинг фақат форма ясалишига оид структураси ўрганилади. Масалан, *унумдорликни* сўзининг морфологик структураси *унумдорлик+ни*. *Унумдорлик* қисми структурасининг морфологияга дахли йўқ. Морфологик структура тушум келишиги формасининг ясалишига асос бўлаётган қисм (*унумдорлик*) билан тушум келишиги формасини ясовчи аффикс (*-ни*) дан иборат. *Планлаштирялмиз* сўзининг морфологик структураси *планлаштира+ял+миз*.

Сўзнинг морфологик структураси шу сўз формасини ҳосил қилувчи компонентлардан иборат бўлар экан, ўз ўзидан, аналитик форма ҳосил қилувчи ёрдамчи сўзлар ҳам сўзнинг морфологик структурасига киради. Масалан, *ёзила бошладик* феъли кўмакчи феъл (бошла) ва аффикслардан (*-ил, -ди, -к*) ташкил топган мураккаб форма кўринишига эга (бунда *ёзила* охиридаги а фор-

ма ясаш вазифасини эмас, етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаш вазифасини бажаради): *ёз+ил+(а)+бошла+ди+к*.

Кўринадики, сўзнинг морфологик структураси морфемалардангина иборат эмас. Форма ясалишида (сўзнинг морфологик структурасида), морфемалардан ташқари, сўз ҳам қатнашуви мумкин. Бу ҳодиса ҳам сўзнинг морфологик структураси сўзнинг морфема структураси эмаслигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сўзнинг морфологик структураси умуман сўзнинг таркибий қисмларидан эмас, балки форма ясалишида қатнашувчи қисмларидан иборат.

Сўз туркумларининг қандай формаларга эгалигини, бу формаларга хос хусусиятларни аниқроқ тасаввур этиш учун уларни сўз туркумлари бўйича қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи бўлим

АСОСИЙ СЎЗ ТУРКУМЛАРИДА ФОРМА ЯСАЛИШИ

Сўз туркумлари синтетик, аналитик, жуфт ва такрорий формаларга эга. Бу формалар ичида эса категориал ва нокатегориал формалар бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳар бир сўз туркумига хос формалар қуйидаги тартибда берилади: 1) синтетик формалар, 2) аналитик формалар, 3) жуфт ва такрорий формалар. Ҳар бир форма ичида эса аввал категориал формалар, сўнгра нокатегориал формалар таҳлил этилди.

ОТ ФОРМАЛАРИ

От туркуми грамматик формаларга жуда бой. Бу туркумда категориал формалар ҳам, нокатегориал формалар ҳам анчагина миқдорни ташкил этади. Шунингдек, от туркуми синтетик формаларга ҳам, аналитик формаларга ҳам эга.

СИНТЕТИК ФОРМАЛАР

От туркумида сўз формаларининг асосий қисмини синтетик формалар ташкил этади. Аффиксация усули билан отнинг бир қатор категориал ва нокатегориал формалари ясалади.

Категориал формалар

От туркумида уч турли грамматик категория—сон, келишк ва эгалик категориялари бор. Ана шу категорияларга хос формалар категориал формалар ҳисобланади.

Сон категориясининг икки формаси—бирлик ва кўплик формаси бор. Кўплик формаси *-лар* аффикси ёрдамида ясалади. Бирликнинг эса махсус кўрсаткичи йўқ (ноль кўрсаткичли форма): *ўқувчи* (бирлик)—*ўқувчилар* (кўплик).

Ўзбек тилига оид адабиётларда келишикнинг олти тури—бош, қаратқич, тушум, чиқиш, ўрин ва жўналиш келишиклари берилади. Булардан фақат бош келишик формаси махсус кўрсаткичга эга эмас (ноль кўрсаткичли). Қолган келишикларнинг ҳар бири махсус аффикслар ёрдамида ясалади: *гул* (бош келишик формаси); *гулнинг* (қаратқич келишиги формаси); *гулни* (тушум келишиги формаси); *гулдан* (чиқиш келишиги формаси); *гулда* (ўрин келишиги формаси); *гулга* (жўналиш келишиги формаси). Олти келишик формасининг маъно ва вазифалари ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда яхши баён этилгани учун бу ўринда улар ҳақида махсус тўхтаб ўтirmаймиз.

Чегара формаси ва чегара келишиги ҳақида. Ўзбек тилида отларнинг *мактабгача*, *қишгача* типида ясалувчи формаси борлигига шубҳа йўқ. Бу типдаги ясалиш лингвистик адабиётларда, ўзбек тили дарслик ва қўлланмаларида равиш ясалиши деб таърифланар, лекин ҳеч бир ишда форма ясалиши сифатида қаралмас эди. Бироқ кейинги вақтда айрим ишларда *-гача* аффиксини олган сўз отларнинг алоҳида бир формаси сифатида ажратила бошлади. Масалан, Ҳамид Неъматов ўзбек тилида отларнинг *-гача* аффикси ёрдамида ясалувчи (*Самарқандгача* каби) махсус формаси борлигини ва бу форма алоҳида бир келишик—чегара келишиги формаси деб қаралиши кераклигини таъкидлайди¹. Шавкат Раҳматуллаев эса *дахлизгача*, *алламаҳалгача* каби форма алоҳида бир келишик формаси эмас ва буларда *-гача* бир аффикс эмас, балки *-га* мустақил аффикс, *-ча* эса чегара маъносини билдирувчи юклама деб қарайди².

Демак, *Самарқандгача*, *колхозгача*, *уйгача* типидagi форманинг келишик формаси бўла олиши ёки бундай форма эмаслиги ҳақида гапиришдан олдин, аввало, қандай форма бўлишидан қатъи назар, у отнинг алоҳида бир (махсус) формаси бўла олиш ёки бўла олмаслигига тўхталиш, шу нарсани белгилаб олиш керак.

¹Ҳ. Неъматов. Чегара келишиги. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, №4, 1971, 33-39-бетлар.

²Ш. Раҳматуллаев. От лексемага қўшиладиган баъзи форма ясовчилар, „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, №2, 1975, 39-40-бетлар.

Бунинг учун эса, биринчи навбатда, *Самарқандгача, мактабгача, уйгача* каби сўзлардаги *-гача* нинг яхлитлигича бир аффикс ёки ундаги *-га* ва *-ча* ўзича мустақил эканини белгилаб олиш лозим бўлади.

Ҳамид Неъматовнинг ишида, гарчи ҳеч қандай исбот келтирилмаса-да, *-гача* бир аффикс деб тан олинади. Шавкат Раҳматуллаев эса *мактабгача, даҳлизгача* каби сўзлардаги *-га* ва *-ча* ҳар жиҳатдан ўз мустақиллигини сақлаганлигининг, бунда яхлит бир *-гача* аффикси йўқлигининг исботи учун бир қатор (беш пунктдан иборат) далиллар келтиради.

Шавкат Раҳматуллаев *уйгача, мактабгача* каби сўзларда бир бутун *-гача* аффикси йўқлиги, буларда *-га* ва *-ча* мустақил тил бирликлари экани ҳақида гапирганда аввало, буларда *-га* ва *-ча* ўз маънолари билан қатнашишини, жумладан чегара маъноси бевосита *-ча* элементига хослигини далил қилиб кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам бундай сўзларда ифодаланадиган чегара маъносини *-ча* сиз тасаввур этиб бўлмайди: *Нақ тоғлар тепасидаги қорларгача чўзилиб кетувчи ноёб Сан-Тош ўрмонзори мана шу ердан бошланарди.* (Ҷ. Айтматов.) *Отнинг баданлари дириллар, бўйини чўзиб томоғининг тағларигача сувга тутиб берарди.* (Саид Аҳмад.) *Бу қўнғироқ Иссиқкўл бешикларида ҳозиргача ҳам янграб турибди.* (Ҷ. Айтматов.)

Ҳатто, сўз таркибида жўналиш келишиги кўрсаткичи (*-га*) бўлмаган ҳолларда ҳам *-ча* ёрдамида "чегара" маъноси ифодаланадиган ҳолатлар бор: *Очил бува ҳозирча воқеаларни батафсил гапирмай, кўрганлардан дуойи салом топширди.* (А. Мухтор.) *Тоққа қараб ўрлаб кетган асфальт йўлнинг икки ёни кўз илғагунча ҳайдалган ерлар, ариқлар, зовурлар...* (О. Ёқубов.) *Онам билан келин аям айвонни сал йиғиштириб, жой ҳозирлагунарчи биз ҳовлида бирпас гаплашиб турдик.* (П. Қодиров.) *Уша, Ботирни кузатиб қайтган кечаси ечиб қўйганича таққани йўқ.* (Р. Файзий.)

Шу факторлар, яъни чегара маъносининг бевосита *-ча* га хослиги ва унинг ўрнида шу маънони ифодалай оладиган қадар кўмакчисини қўллаш мумкинлиги (сўз таркибида *-ча* нинг ажралиши мумкинлиги) *уйгача, тиззасигача, ҳозиргача* каби сўзларда *-ча* ни ўзига мустақилдек кўрсатади. Лекин бундай сўзларда *-ча*

нинг ўзига мустақиллигини ёки *-гача* бир бутун ҳолда бир аффикс эканини белгилашда, бизнингча, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Аввало, *уйгача, ёзгача* кабиларда *-ча* ўзига мустақил тил бирлиги деб қараладиган бўлса, у ҳолда *-ча* нинг вазифаси, *уйгача, ёзгача* формаси *уйга* ва *ёзга* формасидан фарқланадиган алоҳида бир формами ёки йўқми экани белгиланиши керак бўлади. Агар алоҳида форма бўлса, қандай форма экани, алоҳида форма бўлмаса, *-ча* нинг қандай вазифани бажариши аниқланиши керак. Демак, *-ча* ўзича мустақил деб қаралганда, у форма ясовчими ёки бошқа вазифани бажарувчими экани ҳақида гапириш керак бўлади. Бу масала бўйича фақат Шавкат Раҳматуллаевгина аниқ ўз қарашини билдирган. Олимнинг фикрича, бундай сўзлардаги *-ча* чегара маъносини ифодаловчи юклама. Демак, *-ча* ҳеч қандай форма ясовчи эмас ва *уйгача, ёзгача* типдаги сўзлар *уйга, ёзга* типдаги формадан фарқли махсус форма эмас деб қаралади. Чунки юклама, гарчи у аффикс кўринишида бўлса-да, сўз формасини ҳосил қилмайди.

Лекин кўриб ўтилган типдаги сўзларда *-ча* бутун хусусиятлари билан юкلامадан фарқланади. Биринчидан, юкламаларнинг қўлланиши, одатда, маълум бир сўз туркуми доираси билан чегараланмайди. *-ча* эса от ёки от типдаги сўзларга қўшилади. Иккинчидан, *-ча* нинг бирор юкламага эмас, балки *қадар (довур)* кўмакчисига синонимлиги ҳам (*уйгача — уйга қадар*) уни юкламалар қаторига киритиб бўлмаслигини кўрсатади. Учинчидан, юкламалар сўзнинг маълум бир грамматик маъно ифодаловчи формасини ҳосил қилмайди. Шунга кўра ўлар синтактик муносабат ҳам кўрсатмайди. *Уйгача, кечгача* кабилардаги *-ча* эса, махсус грамматик маъно (чегара маъносини) ифодалаш билан бирга, сўзнинг синтактик муносабатига ҳам таъсир қилади. Унинг кўмакчи билан синонимлигиёқ буни аниқ кўрсатади (кўмакчиларнинг от ёки отлашган сўзнинг бошқа сўз билан синтактик муносабатини кўрсатиши маълум: *қалам билан ёзмоқ, дўсти учун олмоқ* каби). Бир мисол: *Қулоқларигача пўстинга ўранган, Халқ комиссарлиги эшиги олдидаги қоровул қаршисида турган икки хотинни таниб сўрашди. (Ойдин.)* Бу гапда *қулоқ* сўзнинг *ўранмоқ* феълига боғланиши бевосита *-ча* нинг ёрдамида бўляпти. *-ча* қўлланмаса,

жўналиш келишиги формасининг ўзи бу феълга боғланмайди (*қулогига ўранмоқ* дейилмайди).

Ана шу белгиларнинг ўзиёқ *-ча* нинг юклама эмаслигини, у ҳар жиҳатдан форма ясовчи аффиксга хос хусусиятга эга эканини кўрсатади. Энди масаланинг қийин томони *уйгача, кузгача* каби сўзларда *-ча* мустақил аффикс ёки мустақил аффикс эмаслигини белгилашдир.

Кўриб ўтилган типдаги (*уйгача, кузгача*) сўзларда чегара маъносининг бевосита *-ча* га хослиги ва уни чегара маъносини ифодалай оладиган *қадар* кўмакчиси билан алмаштириш мумкинлиги (*уйгача — уйга қадар*) буларда *-ча* билан *-га* мустақиллигини сақлагандек, ҳар бири ўз мустақил маъно ва вазифасига эгадек қилиб кўрсатади. Айниқса, *-гача* қўшилган от макон ва вақт билдирувчи сўзлардан бўлганида ана шундай туюлади: *У станциядан Олтинсойгача бўлган узоқ йўлда бир сўз ҳам айтмай жим ва маънос келди.* (Ш. Рашидов.) *Бу атрофларга автобус келмас экан, марказгача пиёда кетишга тўғри келди.* (Х. Тўхтабоев.) *Ҳайда, — деди чол, — тонггача қишлоққа борайлик.* (Л. М.)

Лекин қуйидаги икки асосий ҳодиса юқоридаги типдаги сўзларда *-га* ва *-ча* мустақил аффикслар эмаслигини, *-гача* бир бутун ҳолда бир аффикс эканини кўрсатади.

Биринчидан, *уйгача, кузгача* кабиларда *-ча* аффикси ўзига мустақил бўлса, ўз-ўзидан *-га* аффикси ҳам ўз маъно ва вазифасида (жўналиш келишиги формасига хос маъно ва вазифада) қўлланган бўлади. Ваҳоланки, бу типдаги формада жўналиш келишиги формасига хос хусусият маълум даражада сезилиб турса-да, унда жўналиш келишиги формасига хос асосий маъно ва вазифа бўлмайди, яъни бу формадаги сўз йўналиш маъносини билдирмайди ва гапда жўналиш келишиги формасига хос вазифада ҳам келмайди: *Буларнинг ҳар мўйидан тер оқиб томаётганини томдаги қиз-жувонларгача кўради.* (Ойдин.) *Беҳи уруғидан тортиб ялпиз уруғигача қайнатиб ичиришди кампирлар ўша куни.* (Р. Азизхўжаев.) *Соғлигимизни сўрайди, бола-чақаларимизгача суриштиради.* (Ҳ. Фулом.)

Иккинчидан, *-гача* ёрдамида ясалувчи форма жўналиш келишиги формасидан фарқланувчи, ўзига мустақил форма бўлганидан у боғланиб келадиган феъллар ҳам кўп ҳолларда, жўналиш келишиги формаси боғланидиган феъллардан фарқланади: *Ўзимизнинг таомлар-*

ни — кабоб ва паловдан тортиб то ҳалимгача дундириб юборади. (Ойбек.) Фарғона иқлими-ю, бу ер берадиган нозу-неъматлари, бу ернинг қушларигача у китобда яхши таърифланган. (Мирмуҳсин.) Бу вақт Aziz онаси ва дўстлари билан Мирзачўлдаги „Самарқанд“ совхозига кўчиб келган, пахтачиликда экишдан **теришгача** ҳамма ишни мукаммал машиналаштирган... (Ҳ. Фулом.) Ҳатто дурбиндан уй олдидаги дераза остида ўтириб олиб, қўлда калава йигираётган **кампиргача** кузатса бўларди. (Ч. Айтматов.) Бу мисоллардаги -гача аффиксли отлар дундирмоқ, таърифланмоқ, машиналаштирмоқ, кузатмоқ феъллари билан боғланиб келган. Жўналиш келишиги формасида эса боғлана олмайди: **ҳалимга дундирмоқ, қушларга таърифланмоқ, теришга машиналаштирмоқ, кампирга кузатмоқ** дейилмайди.

-гача аффиксли от феълдан бошқа сўзга ҳам боғланиши мумкин. Лекин бундай сўзлар билан ҳам жўналиш келишиги формаси боғлана олмайди: **Йўл қишлоғимизгача** шундай кенг ва текис. Бизнинг салтанатимиз остидаги ерларда нимаики қимирлаган, учган тирик жонзот бўлса, паишадан тортиб **туягача** — ҳаммаси бизники. (Ч. Айтматов.)

Кўриб ўтилган ана шу икки фактнинг ўзиёқ **уйгача, кузгача, ўқувчиларгача** каби формада -ча ва -га мустақил аффикслар эмаслигини, улар бир бутун аффикс эканини кўрсатади.

Чегара маъносини ифодалашда -ча аффикси отнинг жўналиш келишиги формасида қўлланишини талаб этади. Демак, бунда жўналиш келишиги формаси -ча аффикси орқали чегара маъносининг ифодаланишида воқита ролини ўйнайди. Натижада, чегара маъносининг реаллашувида доим иштирок этадиган -га ва -ча аффикслари бир бутунлик касб этади, бир бутун ҳолда чегара маъносини ифодаловчи формантга айланади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки, масалан, **уйга қадар, кузга қадар** кабиларда ҳам жўналиш келишиги билан **қадар** кўмакчиси бирликда бир формани—чегара маъносини ифодаловчи аналитик формани ҳосил қилади. Агар, айтайлик, тил тараққиёти процессида **қадар** кўмакчиси аффиксга айланадиган бўлса, шунда ҳам у ўзига хос алоҳида бир формани ясовчи мустақил аффикс бўлмайди, балки у -га аффикси билан бир бутун-

ликни ҳосил қилади ва иккаласи бирликда чегара маъносини ифодаловчи формани ясади (шундай формани ясовчи аффиксга айланади).

Навбатдаги масала *-гача* аффикси ёрдамида ясалувчи форма алоҳида бир келишik формасими ёки йўқми деган масаладир.

-гача аффикси отнинг ўзига хос грамматик маъно (чегара маъноси) ифодаловчи махсус формасини ҳосил қилишини кўрдик. Энди гап шу форманинг категориал форма ёки нокатегориал форма эканини белгилашда. Чунки ҳар қандай сўз формаси, юқорида кўриб ўтганимиздек, ё маълум грамматик категорияга хос бўлади, ёки грамматик категория ҳосил қилмайдиган нокатегориал форма бўлади.

-гача аффиксли сўзнинг маъно ва вазифасига эътибор берилса, бу форманинг ҳар жиҳатдан келишik формаларига хос хусусиятга эгаллигини кўриш мумкин. Масалан, отнинг феъл ёки бошқа туркумга оид сўзга тобе алоқасини (боғланишини) кўрсатиш ва муносабат ифодалаш барча келишik формаларига (умуман келишik категориясига) хос хусусият¹. *-гача* аффикси ёрдамида ясалган форма ҳам отнинг феълга ёки бошқа туркумга оид сўзга тобе алоқасини кўрсатади ва ҳаракат, белги-хусусият кабиларнинг чегарасини билдиради. Бу чегара макон ва вақтдаги чегарагина эмас, балки бошқа нарса-ҳодисаларнинг ўзаро боғланишидаги чегара бўлиши ҳам мумкин: *Оқ кўйлагининг енгларини биллагигача шимарган Аҳмаджон кабинага эгилиброқ кирди-да, рулга ўтириб, машинани ҳайдаб кетди. (Х. Фулом.) Наҳотки пунктда шу вақтгача иш бўлса? (Х. Фулом.) Шофер... Меҳри опанинг тугунини кўтариб, квартира эшигигача келди ва у берган пулнинг ортиқчасини тийинигача қайтариб, иссиққина хайрлашиб чиқиб кетди. (Х. Фулом.) ...мартабали меҳмонларни қарши олиб отдан тушириш, чой узатиш-у, ўтин ёриб, сув келтиришгача ҳамма ишни унга топшираверишарди. (Ч. Айтматов.)*

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, ҳозирги ўзбек тилидаги *уйгача*, *ҳозиргача*, *болаларгача* каби фор-

¹Қаранг: Грамматика современного русского литературного языка, изд-во „Наука“, М., 1970. стр. 326; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, „Ўқитувчи“ нашриёти, Тошкент, 1966, 99- бет.

мадаги *-гача* яхлитлигича бир аффикс—чегара маъносини ифодаловчи форма ясовчи аффикс, шу форманинг ўзи эса чегара формаси ҳисобланади.

Иккинчидан, *-гача* аффикси ёрдамида ясалувчи форма категориал форма ҳисобланади ва, ўз хусусиятига кўра, келишиқ формалари қаторига киради (чегара келишиги формаси бўлади).

Эгалик категорияси уч шахс, ҳар бир шахсинг бирлик ва кўплик формасига эга: *дўстим* (I шахс, бирлик)—*дўстинг* (II шахс, бирлик)—*дўсти* (III шахс, бирлик); *дўстимиз* (I шахс, кўплик)—*дўстингиз* (II шахс, кўплик)—*дўстлари* (III шахс, кўплик).

Отлар нутқда, махсус форма кўрсаткичига эга бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, албатта, сон формасида (бирлик ёки кўплик формасида), шунингдек, бирор келишиқ формасида бўлади. Лекин эгалик формасида бўлиши шарт эмас. Махсус эгалик кўрсаткичи бўлган тақдирдагина отнинг эгалик формаси ҳақида гапириш мумкин. Масалан, *ўрик гуллади* гапидаги *ўрик* сўзи (от) сон нуқтаи назаридан бирлик формада, келишиқ нуқтаи назаридан бош келишиқ формасида. Лекин у эгалик формасига эга эмас. *Уригимиз гуллади* гапида эса *ўрик* сўзи сон, келишиқ ва эгалик формасига эга (бирлик, бош келишиқ ва I шахс кўплик формасида).

Нокатегориал формалар

Ўзбек тилига оид адабиётларда от туркумига хос формалардан фақат категориал формалар ҳақидагина маълумот берилади. Отларнинг нокатегориал формалари деярли эътибордан четда қолиб келмоқда. Кичрайтиш билдирувчи *-ча* (*уйча, қушча*), қарашлилиқ билдирувчи *-ники* (*мактабники, колхозники*) ва бошқа бир қатор аффикслар ё сўз ясовчилар қаторида берилади, ёки улар ҳақида умуман ҳеч нарса дейилмайди. Лекин бундай аффикслар сўз ясовчи бўла олмаслиги ва отлар категориал бўлмаган формаларга ҳам эга экани профессор Шавкат Раҳматуллаев томонидан тўғри кўрсатилган¹.

¹ Ш. Раҳматуллаев. От лексемага қўшиладиган баъзи форма ясовчилар. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, №2, 1975, 36-41-бетлар.

Бу типдаги формалар отнинг лексик маъносига маълум бир қўшимча маъно ифодалаш, от-сўзни отларга хос бўлмаган бирор синтактик вазифага мослаш учун хизмат қилади.

Улар ўз маъно ва вазифаларига кўра бир неча турга бўлинади: 1) *кичрайтиш формаси*; 2) *эркалаш формаси*; 3) *ҳурмат формаси*; 4) *қарашлилик формаси*; 5) *ўрин белгиси формаси*; 6) *ўхшатиш формаси*.

Кичрайтиш формаси. Отларнинг кичрайтиш формаси махсус аффикслар ёрдамида ясалади. Бу аффиксларнинг қўшилиши билан отнинг лексик маъноси ўзгармайди, балки шу лексик маънога қўшимча тарзда кичрайтиш маъноси ифодаланади.

-ча. Бу аффикс ёрдамида ясалувчи форма асосан кичрайтиш маъносини ифодалайди: *саватча, столча, қушча, тойча, сингилча, таёқча* каби: *Бу ерда сариқ офат нималигини ҳозирча фақат шу йигитчагина унча-мунча тасаввур этарди.* (А. Мухтор.)

-ча аффиксли форма шахс билдирувчи сўзларга қўшилганида эркалаш билан бирга ҳурматлаш ёки камситиш маъноси ифодаланиши мумкин. Лекин бу маънолар маълум факторлар таъсирида кичрайтиш маъноси асосидан келиб чиқадиган маънолар бўлади: *Раҳбарликни хотинчалари Бибиойша уйдан туриб қила беради.* („Муштум“.) *Қизиқ эртақ экан отинча, энди сира зерикмайдиган бўлдим.* (Ойбек.) *Қариб куюлмаган чол... Қачонки қоринчалари очикса, шундагина эсларига тушаман.* (С. Равшанов.) *Оппоқ капалакчалар еру кўкни тўлдириб тўзиб кетган, кумуш қанотчаларини оҳиста силкитиб чарх уришади.* (Э. Усмонов.)

Эслатма. 1. **-ча** аффиксли кичрайтиш формаси янги лексик маъно касб этиши, янги сўзга айланиши мумкин. Бунда кичрайтиш маъноси йўқолади: *шолча, кўрпача, боғча* (детсад) каби.

2. **-ча** омоним-аффикс ва кўп маъноли аффикс. Бу ўринда фақат кичрайтиш ифодаловчи **-ча** аффикси ҳақида гапирилди.

-чоқ (-чак). Бу аффикс *той, келин, қўзи* каби икки-уч сўздангина кичрайтиш маъносини ифодаловчи форма ясайди: *Тойчоқ, қўзичоқ, келинчак, тугунчак* каби: *Бир кўн кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини эслаб кишняпти.* (М. Мухамедов.)

Уйинчи ёш қиз каби тароватли, келинчак каби жўркам, ёр каби дилдор эди. (М. Исмоилий.)

Эркалаш формаси

-жон. Шахс билдирувчи турдош отлар ёки шахсларнинг номини билдирувчи отларга қўшилиб эркалаш, суйиш, ижобий муносабат ифодаловчи форма ясади: *укажон, ойижон, Рашиджон* каби.

Ойижоним туфлигимни

Доим мойлаб қўярди.

Бувижоним папкам артиб,

Эркаларди, суярди.

Акажоним дўппим қоқиб,

Силар эди бошимни,

Опажоним дастурхонга

Келтирарди ошимни.

(А. Кўчимов.)

-хон, -ой. Булар ҳам киши исмини билдирувчи отларга қўшилиб эркалаш, ҳурматлаш маъносини билдиради: *Азизахон, Ҳалимахон, Ҳабибахон* каби.

-жон аффикси эркаклар исмини, -хон, -ой эса хотин-қизлар исмини билдирувчи сўзларга қўшилади.

Эслатма. -жон, -хон, -ой киши исмининг таркибий қисмига кириши, унинг ажралмас компоненти бўлиши мумкин. Бунда эркалаш, ҳурматлаш маъноси ифодаланмайди: *Дадажон Мамажонов, Роҳатой, Онахон, Уғиллой, Нурхон* каби.

-(а) лоқ аффикси қиз, бўта каби бир-икки сўз таркибида эркалаш маъносида қўлланади: *Қизалоқ қўғирчоқни машинага ўтқазди. (Э. Усмонов.)*

Ҳурмат формаси

Бу форма -лар аффикси ёрдамида ясалади: *акамлар, тоғамлар* каби: *Оға соғ борсангиз, аввал, Дадамларга салом айтинг. (Ҳамза.)*

Ҳозирги ўзбек тилида -лар кўплик ифодаловчи аффикс сифатида сон категориясининг бирлик формасига қарама-қарши бўлган кўплик формасини (категориал формани) ясади. Ҳурмат ифодаловчи аффикс сифатида эса функционал формани ҳосил қилади.

Ўзига мустақил форма сифатида -лар аффикси ёр-

дамида ясалувчи ҳурмат формаси кўплик формасидан фарқли хусусиятларга эга. Булар қуйидагилар:

1. Юқорида кўриб ўтдикки, от туркумига оид сўз нутқда ҳамма вақт сон ва келишик формасида бўлади. Масалан, *студентларни кутиб олдик* гапида *студент* сўзи кўплик ва тушум келишиги формасида. Лекин у эгалик формасига эга эмас. Демак, эгалик формасига эга бўлмаган от кўплик формасига эга бўлаверади. Ҳурмат формасидаги от эса ҳамма вақт эгалик формасида ҳам бўлади, яъни эгалик формасисиз ҳурмат формасини тасаввур этиш мумкин эмас. Қиёсланг: *уйлар* — уйнинг кўплиги (бунда ҳурмат ифодаланмайди), *уйлари* — кўплик ёки ҳурмат: 1) *қурувчиларнинг уйлари* (кўплик); 2) *тоғамнинг уйлари* (ҳурмат). Бунинг сабаби, яъни ҳурмат формасидаги отнинг ҳамма вақт эгалик формасида ҳам бўлиши, ҳурмат маъносининг кўплик маъносидан эмас, шахс маъносидан ажралиб чиққанлигидадир.

Худди шу сабабга кўра ҳурмат билдирувчи *-лар* сўзга эгалик аффиксидан сўнг, кўплик кўрсаткичи *-лар* эса ундан олдин қўшилади: *акаллар* (ҳурмат) — *акаларим* (кўплик); *жавобларинг* (кўплик) — *жавобинглар* (ҳурмат): *Сайлов пунктинглар қаерда?* (С. Зуннунова.) Фақат III шахсда эгалик аффикси ҳурмат билдирувчи *-лар* аффиксидан сўнг қўшилиши мумкин: *Бу итни мен билман* — *Қосим бойваччанинг итлари, ...* (А. Қаҳҳор.) *Тоғамнинг байроқларини қачон қайтиб берасиз?* (А. Қаҳҳор.)

Эга-кесим муносабатидаги бирикувда ҳурмат ифодаловчи *-лар* кесимга қўшилади: *Меҳмон дам оляптилар. Дадам сўраяптилар* каби: *Куёв болайўқларми дейман, тақ-туқлари эшитилмайди.* (Р. Файзий.) *Аҳмаджон Одиловга бораман, дейсиз, у киши сизни танийдиларми?* (О. Ёқубов.)

Қарашлилиқ формаси.

Қарашлилиқ формаси *-ники* аффикси билан ясалди ва бирор нарса (предмет) нинг *-ники* аффикси қўшилган сўз билдирган шахс ёки нарсага қарашлилигини билдиради: *китоб Аҳмадники. Бу боғлар колхозники* каби.

-ники аффикси аслида қаратқич келишиги кўрсаткичи *-нинг* ва *-ки* аффиксларининг бирикувидан ҳосил бўлган: *нинг + ки > ники*. Лекин ҳозирги ўзбек тилида

қўшма аффикслик хусусияти йўқолиб, содда аффикс ҳолига келган.

Қарашлилиқ формаси эгалик формасидан маъно жиҳатдан бутунлай фарқ қилади. Биринчидан, эгалик формаси уч шахсдан бирини (I, II ёки III шахсни) кўрсатади ва шахснинг сонини ҳам кўрсатади. Қарашлилиқ формаси бундай хусусиятга эга эмас. Қиёсланг: *укам* (биринчи шахс, бирлик) — *бўёқники* (шахс ва шахснинг сони тунунчалари йўқ). Иккинчидан, эгалик формаси шу формадаги сўз билдирган нарсанинг бирор шахс ёки нарсага қарашлилигини билдиради. Қарашлилиқ формаси эса бошқа бирор нарсанинг *-ники* аффиксли сўз билдирган шахс ёки предметга тегишлилигини билдиради. Қиёсланг: *Аҳмаднинг китоби* — *китоб Аҳмадники*.

Эгалик формаси билан қарашлилиқ формаси маъно ва вазифасига кўра бир-биридан тамомила фарқли формалар бўлганидан айнан бир сўз эгалик ва қарашлилиқ формасида қўлланиши мумкин бўлади. Бунда эгалик формаси ҳам ўз вазифасида, қарашлилиқ формаси ҳам ўз вазифасида бўлади: *укамники*, *дўстингники*, *курсдошларимизники* каби.

Қарашлилиқ формасидаги сўз қарашли бўлган нарсани билдирувчи сўз билан қўлланса, ҳамма вақт кесим вазифасида бўлади: *Китоб Эркинники*. Бу боғ *қўшнимизники* каби. Қарашли бўлган нарсани билдирувчи сўз нутқда қўлланмаслиги мумкин. Лекин у умумий ҳолатдан сезилиб туради. Шунинг учун қарашлилиқ формаси кесим вазифасида келганда, қарашли предметни билдирувчи сўзни тиклаш мумкин бўлади: *колхозники* (бу машиналар колхозники), *дўстимники*, (бу китоб *дўстимники*).

Агар қарашлилиқ формасидаги сўз кесим вазифасида бўлмаса, қарашли (тегишли) бўлган нарсани билдирувчи сўзни қўллаб бўлмайди. Қарашли бўлган нарса нутқ ситуациясида маълум бўлиб тураверади. Масалан, *Тоғники кеч пишади* деганда, ниманинг кеч пишиши нутқ ситуациясида маълум бўлиб туради. Лекин шу гапдаги сўзларнинг формасини ўзгартмаган ҳолда, кеч пишадиган нарсани билдирувчи сўзни қўллаб бўлмайди. Агар бу сўз қўлланса, қарашлилиқ формаси ўрнида қаратқич-қаралмиш бирикмаси қўлланади: *Тоғники кеч пишади* — *Тоғнинг олмаси кеч пишади* (ёки *тоғнинг мевалари кеч пишади*).

Қарашлилик формасидаги сўз бош келишиктан бошқа келишик формаларида ҳам қўллана олади. Бундай ҳолларда ҳам қарашли бўлган нарсани билдирувчи сўз қўлланмайди. Агар бу сўз қўлланса, қарашлилик формаси қаратқич-қаралмиш типидagi бирикма билан алмашади: *Ёлқин акамнинг ўртоқларини меҳмонхонага элтиб қўйдик-да, келин аямнинг амакисиникига кетдик.* (П. Қодиров.) Гапнинг умумий мазмунидан сезилиб турибдики, амакисининг уйига кетишган. Лекин бунда уй сўзини қўллаб бўлмайди. Уй сўзи қўлланса, қарашлилик формасини қўллаб бўлмайди (қаратқич ва қаралмиш формаси қўлланади): *амакисиникига кетдик— амакисининг уйига кетдик.* Яна қиёсланг: *Укангникида ёза қол— укангнинг ручкасида ёза қол, укангникини кўрсат— укангнинг расмини кўрсат, акамникидан келди— акамнинг уйдан келди.* Қўйидаги мисолларда қаратқич-қаралмиш бирикуви билан қарашлилик формасининг қўлланишига эътибор беринг: *Буларнинг бирининг исми Олия, иккинчисиники— Зумрад.* (О. Мухторов.) *У вақтнинг одами бошқа, бу вақтники бошқа.* (Ойдин.) *Раиснинг боласига кўзини шахло қилиб, колхозчиникига бир кўзини юмиб қарагани яқин йўлатишмайди.* (Э. Усмонов.) *Эрининг ўлими Назокатни бир силкиб қалқитган бўлса, қизиники ерпарчин қилди.* (Шухрат.)

Кўринадик, қарашли (тегишли) нарса жуда аниқ (маълум) бўлса, уни нутқда ифодалаш шарт бўлмаса, қарашлилик формаси (-ники аффиксли форма) қўлланаверади. Қарашли нарса нутқда ифодаланадиган бўлса, қарашлилик формаси фақат кесим позициясидагина қўллана олади (*китоб-дўстимники*), лекин гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида қўллана олмайди. Бундай ҳолларда қаратқич-қаралмиш типидagi бирикма қўлланади. Қўйидаги мисолларда ҳам қарашли бўлган нарса аниқ бўлганидан, у ифодаланмай, қарашлилик формасининг ўзи қўлланаверади: ... *юмушни домланикидагидек ёлғиз ўзи эмас, етим қиз Адолат билан бирга қиларди.* (Ё. Шукуров.) *Мўмин қўшчиники қишлоқнинг чеккасида эди.* (Л. Маҳмудов.) *Ўзимизникилардан биттаси йўлда учраганди.* (Ё. Шукуров.) *Шу нокни экканда ярми кўчаники, деб ният қилганман.* (Л. Маҳмудов.)

Қарашлилик формаси ясовчи -ники аффикси от

Ўрнида қўлланадиган олмошлар ва отлашган сўзларга ҳам қўшилади: *сеники, уники, кимники, ўзиники. Бирники минга, мингники туманга. (Мақол.) От кимники — минганники, Тун кимники — кийганники. (Мақол.)*

Қарашлилик формаси ясовчи *-ники* аффикси сўзга кўплик, эғалик, шунингдек, ҳурмат формаси аффиксидан кейин, келишик кўрсаткичидан олдин қўшилади: *студентларникини, дўстларимизникидан, акамларникида* каби.

Ўрин белгиси формаси. Ўрин белгиси формаси *-даги* аффикси ёрдамида ясалади ва нарсаси-ҳодисанинг ўринга кўра белгисини билдиради: *шаҳардаги дўстларимиз, осмондаги булутлар, қирдаги лолалар* каби. Агар *-даги* аффикси қўшиладиган сўз пайт маъносига эга бўлса, бу форма нарсанинг пайтга нисбатан ўрнини билдиради: *ёздаги, қишдаги* каби.

-даги аффикси ўрин келишиги кўрсаткичи *-да* ва сифат ясовчи *-ги* аффиксларининг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффиксдир. Бу аффиксда ўрин келишиги формаси (*-да* аффикси) ва сифат ясовчи *-ги* аффиксига ҳос хусусият маълум даражада сақланади. Мисол: *Бу шамол майсалардаги шабнамни ҳам, шабнамдаги изларни ҳам бирпасда ялаб кетди. (А. Мухтор.)* *Майсалардаги* ва *шабнамдаги* формасида, биринчидан, ўрин маъноси, иккинчидан, шу ўринга муносабат (ўринга оидлик) маъноси бор. Булардан биринчиси *-да* аффиксига ҳос, иккинчиси эса *-ги* аффиксига ҳос. Шунга кўра *-да* ва *-ги* аффикслари мустақил аффиксдек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Чунки *майсадаги, ёздаги* каби формада *-да* ва *-ги* аффиксларининг ўзига ҳос хусусияти жуда кучсизланган. Масалан, *-да* аффиксли от (ўрин келишиги формаси) ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва бу от феълга боғланиб гапда ҳол вазифасида келади. *-даги* аффиксли от эса ҳамма вақт отга боғланади ва гапда аниқловчи бўлиб келади: *Йигитлар нарироқдаги тупроқ уюми орқасида бир ниманинг вишиллаётганини энди пайқашди. (А. Мухтор.)* *Бугун куни билан Ҳадянинг каптардеккина ҳаво ранг кўйлакдаги қомати кампирнинг кўз ўнгидан кетмади. (А. Мухтор.)* *Ҳаёт ҳамма вақт китобдаги гапларга тўғри келавермайди. (О. Ёқубов.)*

Шунингдек, **-ги** аффикси аслида сифат ясайди ва предметнинг **-ги** аффиксли сўз билдирган вақтга кўра белгисини билдиради: *кузги буғдой, эрталабки машгулот* каби. Лекин **-даги** аффикси таркибидаги **-ги** сўз яшаш хусусиятини йўқотган. У фақат ўринга (вақтга) оидликни билдиради. Демак, **-даги** аффиксидаги **-да** ўрин келишиги формасини яшаш хусусиятини, **-ги** сўз яшаш хусусиятини йўқотиб, иккаласи бирликда бирмаъно ва вазифа учун қўлланивчи аффиксга — предметнинг ўрин белгисини кўрсатувчи аффиксга айланган.

-даги аффикси сўзга сон формасидан сўнг, эгалик аффикси, ҳурмат ифодаловчи **-лар** аффикси, шунингдек, қарашлилик ифодаловчи **-ники** аффиксидан ҳам кейин қўшилади: *дарахтлардаги, китобларимдаги, опамлардаги, тоғамларникидаги (тоғаларимникидаги)* каби.

-даги аффикси субстантив формани атрибутив формага айлантиради. Шунинг учун ҳам қарашлилик формаси келишик қўшимчасини олмайди. Агар бу формадаги сўз отлашса (ўзи боғланиб келган отнинг вазифасини ҳам ўз устига олса), у ҳолда **-даги** аффиксидан сўнг яна кўплик ва келишик аффикслари қўшилаверади: *колхозларимиздагиларга* каби: *Кучалар бўм-бўш, ҳовлилар жим-жит, бу ердагиларнинг чигиртка тугул оламдан ҳам хабари йўққа ўхшарди.* (А. Мухтор.) *Ўшанда йўлда бўлган воқеани тоғамникидагиларга айтиб берганимда, ҳеч ким ишонган эмас.* (Л. Маҳмудов.)

Ўхшатиш формаси. Ўхшатиш формаси **-дек (-дай)** аффикси ёрдамида ясалади ва нарса ёки шахсни ҳаракат, белги жиҳатдан **-дек** аффиксли сўз билдирган нарсага, шахсга ўхшатади, ўхшашлигини кўрсатади: *Баҳор қуёшининг заррин шуғласи аксида симобдек йилтиллаб, ойнадай ярқираб оқмоқда.* (И. Раҳим). *Бугун эса катта кучада байрамдагидек одам кўп эди.* (Ш. Рашидов.) *У ҳам Гулчехрадек нима қилишини билмайди.* (Ҳ. Умарбеков.)

Ўхшатиш билдирувчи **-дек (-дай)** аффикси асосан отларга, бундан ташқари олмош, сифат ва феълнинг сифатдош формасига ҳам қўшилади: *сендек, мендек, яроқсиздек, сезмагандек* каби: *Хотиралардан қочмоқчидек ўрнидан туриб кетди.* (С. Зуннунова.) *Тансиқ эшикдан ҳовлига қадам қўйиши биланоқ, чуқигандай бир зум тўхтаб қолди.* (Ойбек.) *Овоз берга-*

ни кетаётганлардан кўра қайтаётганлар кўпроқдек кўринди кўзимга. (С. Зуннунова.)

-дек аффиксининг маъноси каби кўмакчисининг маъносига ўхшайди: сендек — сен каби. Аҳмаддек — Аҳмад каби.

Ўхшатиш билдирувчи -дек (-дай) аффикси сўзга ҳар қандай форма ясовчилардан кейин қўшилади: дўстлардек, дўстларимиздек, дўстларимиздагидек, дўстларимизникидагидек каби.

Эслатма. -дек аффиксли сўз шу формада янги маъно касб этиши, янги сўзга айланиши мумкин: муздек (сув), қитдай (дори), жўжабирдай (жон) каби.

АНАЛИТИК ФОРМАЛАР

Отнинг аналитик формаси от билан кўмакчи сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Бу формалар восита, макон, вақт, сабаб, мақсад каби маъноларни ифодалайди. Аналитик форма ҳосил қилувчи кўмакчилар отнинг маълум бир келишиқ формасига бирикади: қалам билан (ёзмоқ), кун сайин (ғўзаллашмоқ), дўсти учун (олмоқ), кечга томон (келмоқ) ва бошқалар.

Жуфт ва такрорий формалар

Отнинг жуфт формаси умумлаштириш, жамлик маъноларини ифодалайди: қовун-тарвуз (қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари), қозон-товоқ (қозон, товоқ ва уларга алоқадор бўлган бошқа асбоблар) каби.

Баъзи жуфт отлар маънони кучли оттенка билан ифодалайди: Хонпошшоиймникидан киши келиб, тез юрасиз, деб ҳоли-жонимга қўймай олиб кетди. (Ҳ. Ҳакимзода.) Қудрат электрни дадасига гапиравериб, колхоз монтери Андрейга зир югуравериб, уларнинг қулоқ-миясини еди. (Ҳ. Назир.)

Отнинг такрорий формаси кўплик маъносини ифодалаш, шунингдек, маънони кучайтириш учун қўлланади: Колхозида омбор-омбор ғалласи... (Ҳабибий.) Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар. (А. Қаҳҳор.) Уғит ғўзанинг томир-томирларига сингсин. (Ойбек.) ...ҳорғинликдан ич-ичига кириб кетган маънос кўзлари шуълада чўғдай йилтиллади. (Ҳ. Фулом.)

СИФАТ ФОРМАЛАРИ

Синтетик форма

Сифатларда ҳақиқий маънодаги форма ясалиши деб *-роқ* аффикси билан ясалувчи формани кўрсатиш мумкин: *яхшироқ, кучлироқ, ширинроқ, узунроқ* каби. *-роқ* аффикси сифатга хос даража категориясининг озайтирма даража формасини ясайди. Демак, бу форма категориял форма ҳисобланади.

Сифатнинг *-иш, -имтир* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси ҳам бор. Бу форма ранг-туснинг сифат билдирган белгига (ранг-тусга) мойиллигини; шунга яқинликни билдиради: *оқиш, кўкиш, кўкимтир* каби. Лекин бу аффикслар билан форма ясалиши универсал характерга эга эмас, балки ранг-тус билдирувчи санокли сифатлардагина учрайди.

Айрим ишларда белгининг ортиқ даражасининг *қипқизил, қоп-қора, дум-думалоқ, ям-яшил* каби усул билан ифодаланиши морфологик усул деб кўрсатилади. Лекин бундай ясалишни морфологик усул деб бўлмайди, шунингдек, *бут-бутун, сап-сарик, кўм-кўк, ям-яшил, тўппа-тўғри* кабиларни сифатнинг синтетик формаси деб бўлмайди. Чунки буларда форма ясовчи аффикс йўқ. Булар белги даражасидаги ортиқликнинг фонетик усул билан ифодаланишидир.

Аналитик форма

Сифатнинг аналитик формаси белгининг ортиқ даражасини ифодалайди. Бу форма икки компонентли бўлиб, биринчи компонентни чиқиш келишиги формасида қўллаш орқали ҳосил қилинади: *шириндан ширин, узундан узоқ, кўполдан кўпол* каби.

Жуфт ва такрорий формалар

Сифатнинг жуфт формаси асосан антоним сўзлардан ташкил топади ва умумлаштириш маъносини билдиради: *яхши-ёмон* (гап), *катта-кичик* (иморатлар), *паст-баланд* (дарахтлар) каби.

Сифатларнинг такрорий формаси предметнинг бирдан ортиқлигини, миқдорий кўплигини билдиради. Бунда белгини алоҳида таъкидлаш, кучайтириш ҳам бўлади. Сифат аниқлаб келган от ҳам, шу маънога мослашган ҳолда, асосан кўплик формасида қўллана-

ди: *Турли шаҳар ва қишлоқлардан келганликлари турлича кийим ва шеваларидан билиниб турган ёш-ёш йигит-қизлар конференц залнинг ич-сиртини тўлдириб юборган эди.* (П. Қодиров.)

СОН ФОРМАЛАРИ

Ўзбек тилида сон туркуми бирон-бир грамматик категорияга эга эмас. Бинобарин, соннинг категориал формаси ҳам бўлмайди.

Ўзбек тилида соннинг маъно ва грамматик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланувчи турлари бор. Бу турларнинг ҳар бири ўзига хос формага эга. Формалар махсус аффикслар ёрдамида ясалади: *беш* (санок сон формаси), *бешта* (дона сон формаси), *бештадан* (тақсим сон формаси), *бештача* (чама сон формаси), *бешинчи* (тартиб сон формаси), *-ов* (*бешов, олтов*), *-лаб* (*юзлаб, минглаб*), *-ларча* (*юзларча, миллионларча,*) *-ала* (*учала, тўртала*) аффикслари ҳам форма ясовчилар ҳисобланади. Лекин буларнинг ҳар бири маълум сон (сўз)лар билангина қўлланади.

Демак, сон туркумида аффикслар ёрдамида ясалувчи фақат нокатегориал формалар бор бўлиб, улар соннинг у ёки бу турини билдиради.

Бундан ташқари, баъзи сон турларига хос маънолар жуфт ёки такрорий форма орқали ҳам ифодаланади.

Соннинг жуфт формаси орқали чама, тахмин маъноси ифодаланади. Бунда кичик миқдорни билдирувчи сон биринчи ўринда, унга нисбатан катта миқдорни билдирувчи сон иккинчи компонент сифатида қўлланади ва шу икки сон билдирган миқдорлар атрофидаги тахминий миқдор ифодаланади: *беш-ун* (киши), *ўттиз-қирқ* (километр), *уч-тўртта* (қалам) каби.

Такрорий сон формаси маълум миқдорий тўда, гуруҳ, бўлак маъносини билдиради: *учта-учта, етти-етти* (киши), *бешта-бештадан* каби.

ФЕЪЛ ФОРМАЛАРИ

Феъл туркуми ҳам, худди от туркуми каби грамматик формаларга ниҳоятда бой. Булар ичида категориал формалар ҳам, нокатегориал формалар ҳам анчагина миқдорни ташкил этади.

Синтетик формалар

Феълнинг категориал ва кўпгина нокатегориал формалари асосан аффикслар ёрдамида ясалади.

Категориал формалар

Феъл туркуми қуйидаги грамматик категорияларга эга: 1) даража категорияси, 2) бўлишли-бўлишсизлик категорияси, 3) майл категорияси, 4) замон категорияси, 5) шахс-сон категорияси. Бу категорияларга хос маънолар махсус формалар ёрдамида ифодаланади. Формалар эса махсус аффикслар ёрдамида ясалади: *ўқиди* (ўтган замон) — *ўқияпти* (ҳозирги замон) — *ўқийди* (келаси замон), *ўқиса* (шарт майли) — *ўқимоқчи* (мақсад майли) — *ўқисин* (буйруқ-истак майли), *ўқиганман* (I шахс) — *ўқигансан* (II шахс) — *ўқиган* (III шахс). Демак, феълнинг бирор грамматик категориясига хос форма категориал форма ва бу формани ясовчи аффикслар категориал форма ясовчи аффикслар ҳисобланади.

Нокатегориал формалар

Феълнинг категориал формаларидан ташқари маълум бир грамматик маъно ифодаловчи, феълни маълум бир грамматик вазифага хословчи нокатегориал формалар ҳам бор. Булар қуйидагилар: 1) *ҳаракатнинг характеристикасини билдирувчи формалар*, 2) *ҳаракат номи формаси*, 3) *сифатдош формаси*, 4) *равишдош формаси*.

1) *Ҳаракатнинг характеристикасини билдирувчи формалар* ҳаракатнинг такрорийлигини, кучли ёки кучсиз даражасини кўрсатади. Улар *-кила-гила*, *-ғила*, *-қила*, *-(и)мсира*, *-(и)нқира* аффикслари ёрдамида ясалади: *турткиламоқ*, *тортқиламоқ*, *эзғиламоқ*, *кулимсирамоқ*, *йиғламсирамоқ*, *кўқаринқирамоқ*, *оқаринқирамоқ*, *совинқирамоқ* қабй. Бу типдаги форма ясалиши жуда кам феъллар доирасида учрайди. Мисоллар: *Эртдан буён Ёрмат бу кўчани дастакли сулури билан қиртишлайди*, *чуқурларга тупроқ қопиб тепкилайди*. (Ойбек.) *Шамол қутуриб кўча ёқасидаги дарахт шохларини тортқилаб силкитар*, *улардан дув-дув ёмғир томчилари тўкиларди*. (С. Абдуқаҳҳор.) *Сайрамов „Казбек“ни чўнтагидан тез чиқариб, папиросни сал эзгилаб лабига қистирди*.

(Ойбек.) Унинг томоғи пир-пир учар, қовоғи **шишинқирагандай** кўринар эди. (А. Қаҳҳор.) Мана, Аҳмад Хусайн ориқ, қиёфаси ёқимли, пешанаси кенг жингалак соч деҳқон йигитга **кулимсираб** қарайди, сўз очади. (Ойбек.)

Кўриб ўтилган **-кила** (**-ғила**, **-қила**), **-(и)мсира**, **-(и)нқира** аффикслари феълга қўшилганда, унинг лексик маъноси ўзгармайди (феъл билдирган ҳаракатдан бошқа ҳаракат ифодаланмайди), балки шу ҳаракатнинг такрорийлиги, даражасининг кучли ёки кучсизлиги ифодаланади. Шунга кўра, **тепкила**, **кулимсира**, **оқаринқира** типдаги ясалишлар сўз ясалиши эмас, балки форма ясалиши ҳисобланади. Бу типдаги форма ясалиши яхлит бир системани ташкил этмаслиги (санокли феъллар доирасида чекланганлиги) сабабли **турткила**, **йиғламсира**, **оқаринқира** типдаги форма категориал форма эмас, балки нокатегориал форма ҳисобланади.

2) Ҳаракат номи формаси **ёзмоқ**, **ёзиш**, **ёзув** ҳаракат бажарилиши ва шу бажарилиш билан боғлиқ бўлган маъноларни (замон, шахс-сон) билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг номини билдиради, ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шу сабабли у отларга хос формаларда (сон, келишик ва эгалик формаларида) қўллана олади ва гапда отларга хос вазифаларда кела олади: **Саратоннинг яхши келиши сабзавот бригадаси учун қувончли бўлди.** (И. Раҳим.) **Қўзибой ишга аралашувини ҳам, чиқиб кетувини ҳам билмай қолди.** (Ҳ. Назир.) **Овқатдан кейин сўрайди, ётишда сўрайди, туришда сўрайди.** (М. Исмоилий.) **Босмачиларнинг ваҳшийлиги ўртоқларга маълум: Одамларни кесмоқ, осмоқ, тириклай куйдирмоқ...** (С. Айний.)

Демак, ҳаракат номи формаси феълнинг от каби хусусиятли, отга хос вазифаларга мословчи нокатегориал формасидир.

3) Сифатдош формасининг (**ёзган**, **ёзаётган**, **ёзадиган**, **ёзар**) вазифа доираси анча кенг бўлиб, „сифатдош“ деб аталиши уларнинг бир асосий хусусиятига кўра, яъни сифатлар каби предметнинг белгисини кўрсатишига кўради. Қиёсланг: **Яхши бола—ўқиган бола**, **ўқийётган бола**, **ўқийдиган бола**. Демак, **-ган**, **-ёт+ган**, **-ди+ган** аффикслари феълнинг сифатга хос хусусиятли формасини ясайди, бу форма феълни сифатга оид хусусиятга, сифат учун характерли бўлган ва-

зифага хослайди. Бу формалар худди шу хусусиятига (вазифасига) кўра нокатегориал форма ҳисобланади.

Бундан ташқари, сифатдош ясовчи айрим аффикслар феълнинг маълум бир грамматик категорияга хос формасининг ясалишида ҳам иштирок этади. Масалан, *-ган* аффикси ёрдамида ўтган замон формаси, *-(а)р* аффикси ёрдамида келаси замон формаси ясалади: *Бир замонлар дадэнгиз мени ҳам йўлга солиш тилагида анча уринган. Мен бўлсам, ўжарлик қилиб ўз билганимни қилганман. (Ш. Рашидов.) Мизна ўғлим, эртга ўзинг олиб ерсан мороженоени. (О. Ёқубов.)*

Демак, буларда *-ган* ва *-(а)р* аффикслари нокатегориал формани эмас, балки категориал формани (замон формасини) ясовчи аффикслар, *қилганман*, *ерсан* нокатегориал форма эмас, категориал формалар (замон формалари) ҳисобланади.

4) Равишдош формасининг вазифа доираси жуда кенг. Бу форма *-(и)б*, *-а(й)*, *-гач*, *-гунча*, *-гани* аффикслари ёрдамида ясалади: *кўриб*, *кўра*, *кўргач*, *кўргунча*, *кўргани* каби. Бу формаларнинг „равишдош“ деб аталиши уларнинг бир асосий хусусиятига кўра, яъни равишлар каби ҳаракатнинг белгисини кўрсатишига кўрадир. Ҳаракатнинг белгиси эса пайт, мақсад ва шу каби жиҳатдан бўлиши мумкин: *кулиб галирди*, *ишлай-ишлай чарчади*, *тура қувиб кетди*, *кўргани келди*. Демак, *-(и)б*, *-а(-й)*, *-гач*, *-гунча*, *-гани* аффикслари феълнинг равишга хос хусусиятли формасини ясайди. Бу формалар худди шу белгиси асосида „равишдош формаси“ деб юритилади.

Кўриб ўтилган аффикслардан *-(и)б* аффикси ўтган замон формасининг, *-а(-й)* аффикси ҳозирги-келаси замон формасининг ясалишида ҳам иштирок этади: *Хў нариги катта йўл асфальт бўлибди*, *атрофига бир қатор янги уйлар тушибди. (П. Қодиров.) Қани энди комсомоллардан ҳам эшитайлик*, *қани комсомоллар бригадири*, *нега товуши чиқмайди. (Ш. Рашидов.) Ишонтириб айтаманки*, *Кўкбулоқдан ҳам сув чиқади. (Ш. Рашидов.)*

Демак, буларда *[-и]б* ва *[-а]* *-й* аффикслари нокатегориал форма ясовчи эмас, балки категориал форма ясовчи аффикслар; *бўлибди*, *чиқмайди*, *чиқади* формалари эса нокатегориал форма эмас, балки категориал форма.

Ҳозирги ўзбек тилида -гудек аффикси билан ясалувчи форма ҳам кенг қўлланади. Бу форма ўз хусусиятига кўра равишдошларга кўпроқ яқин туради. Лекин, нокатегориал форма сифатида, унинг вазифаси фақат ҳаракат белгисини билдириш билан чегараланмайди:

1. Предметнинг белгисини билдиради: *Мақташга арзигудек ютуқларимиз кўп.* (Н. Сафаров.)

2. Ҳаракатнинг белгисини билдиради: *У перонинг учини синдиргудек босиб материалдаги „Сувон“ сўзига „жон“ қўшиб тузатди.* (С. Анорбоев.)

3. Сифат билдирган белгининг даражасини кўрсатади: *Йиғит гапирганда овози унча туюлмаган эди, қийқириғи эса ерни титратгудек қаттиқ эшитилди.* (П. Қодиров.)

4. Гапда мустақил кесим вазифасида келади ва бундай ҳолларда ҳам шахс ёки предметнинг ҳаракат белгисини билдиради: *Бирор ғўзасини бостирсам, бошимни ёргудай.* (И. Раҳим.)

Аналитик формалар

Ҳозирги ўзбек тилида феъл туркуми аналитик формаларга ниҳоятда бой. Булардан айримлари категориал формалар қаторига кирса, жуда кўпчилиги нокатегориал формалар ҳисобланади.

Категориал формалар

Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги ёрдамчи сўзлар феълнинг аналитик категориал формаларини ясайди:

1. *Ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ҳозирги замон феълининг аналитик формасини ҳосил қилади: *ишлаб ётибман, ишлаб ётибсан, ишлаб ётибди; ишлаб турибман, ишлаб турибсан, ишлаб турибди; ишлаб юрибман, ишлаб юрибсан, ишлаб юрибди; ишлаб ўтирибман, ишлаб ўтирибсан, ишлаб ўтирибди* каби.

2. *Эди* тўлиқсиз феъли орқали:

1) ўтган замон феълининг аналитик формалари ясалади: *келган эди, келиб эди, келаётган эди, келар эди: У минг хил хаёллар билан кичкина тугунчадан иборат висотини қўлтиқлаб Икромжоннинг орқасидан ташқарига чиқди. Низомжонни чинакамига безгак тутган эди.* (Саид Аҳмад.)

Оренбург сафарига кетаётганида Набига қараб: „Сен менинг ўзим бўла олмасанг ҳам кўзим бўл,

кўзим!“ деган гапини *эшитган эдингми?* — *Эшитиб эдим.* (С. Айний.) *Рота бир қатор бўлиб сўқмоқдан, баланд ўсган ўт-ўланлар орасида, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетмоқда эди.* (А. Қаҳҳор.) *Кундуз кунлари қишлоқ бир оз тинч бўлса ҳам кечалари аллақаяқдан йиғи-сиғи овози келиб, тонгга қадар кўрқиб ух-лолмай чиқар эди.* (Ғайратий.)

2) *-(а)р), -мас* аффиксли феълга бириқиб шартли майл формасини ясайди: *Шу қишлоқни кўрсам, мана шу кўчалардан бирига қоровул бўлиб сув сепсам, беармон кетар эдим.* (А. Қаҳҳор.) *Уша воқеа бўлмаганда, балки Абубакиров ҳам Ёдгорбекка бунча ёпишмас эди.* (О. Ёқубов.)

3) *Йўқ, эмас* ёрдамчилари инкорнинг аналитик формасини ясайди: *келгани йўқ, келган эмас, сўраётгани йўқ, сўрамоқчи эмас* каби.

Феълнинг категориал формаси деб қараш мумкин бўлган аналитик формалари ана шулар.

Нокатегориал формалар

Феълнинг аналитик нокатегориал формаларини ясовчи ёрдамчи сўз (воситалар) кўп ва улар ифодалайдиган маъно ҳам хилма-хил. Аналитик нокатегориал феъл формаларини, маъноларидаги умумийликка қараб, икки асосий турга бўлиш мумкин: 1. *Ҳаракат процессининг характеристикасини билдирувчи формалар.* 2. *Модал маъно ифодаловчи формалар.*

1. Ҳаракат процессининг характеристикасини билдирувчи аналитик формалар, умумий маъноларидан ташқари, қуйидаги хусусиятлари билан ҳам аналитик модал формалардан фарқланади: 1) форма ясовчи ёрдамчи сўзларнинг ҳаммаси феъллардан (*бошла, ёт, тур, юр, утир, бор, кел, бўл, битир, чиқ, ет, ўт, ол, бер, қол, қуй, кет, юбор, ташла, сол, туш, ўл, ёз*) иборат бўлади; 2) бу ёрдамчи феълларнинг ҳар бири тилда мустақил феъл сифатида ҳам қўлланади; 3) ёрдамчи феъллар етакчи феълга фақат равишдош формаси — *(-и) б ёки -а(-й)* аффиксли равишдош формаси орқали бирикади, яъни кўмакчи феъл бирикадиган етакчи феъл *(-и) б ёки -а(-й)* аффиксли равишдош формасида бўлади: *айта бошлади, айтиб ётибди, айтиб турибди, айта тур, айтиб*

жорибди, айтиб ўтирибди, айта борди, яқинлашиб желяпти, ёзиб бўлди, қуриб битди, ўқиб чиқди, пишиб етди, бўлиб ўтди, битириб олди, бора олди, ўйнаб берди, ўйнай берди, кўриб қолди, айта қолди, айтиб қўйди, қизариб кетди, йиқитиб юборди, ёзиб ташлади, йиқилиб тушди, йиқила ёзди каби; 4) кўмакчи феъллардан баъзилари ёрдамида ясалувчи аналитик формаларда етакчи феъл билан кўмакчи феъл бир хил формада бўлиши мумкин: *айтди-қўйди, ёзди-олди, қочди-кетди* каби; 5) шу типдаги аналитик форманинг баъзилари кўп маънолилик хусусиятига эга. Масалан: *қол* кўмакчи феъли билан ясалувчи аналитик форманинг маъноларига эътибор беринг: *кўриб қолди, ўрганиб қолди, осилиб қолди, қараб қолди*; 6) бундай аналитик форма ясовчи кўмакчи феълларнинг баъзилари етакчи феълга фақат *-(и)б* ёки *-а(-й)* равишдош формаси ёрдамида бирикади, айримлари эса равишдошнинг ҳар икки формасига бирика олади: *ёза бошлади, ишлаб тур, ишлай тур, ёзиб борди, ёза борди* каби; 7) кўмакчи феъл бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Ҳар бир кўмакчи феъл ўз маъноси билан қатнашади: *танишиб чиқа бошлади (танишиб чиқ — танишиш ҳаракатининг бирор объектда бошланиш пунктдан тугаш пунктигача давом этиши; бошла* кўмакчи феъли шундай характердаги ҳаракатнинг бошланишини билдиради).

Ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи формалар ҳаракатнинг бошланиши ёки давомлигини, ҳаракатнинг кучли ёки кучсиз даражаси каби характеристикасини кўрсатади. Уларни ана шундай умумий хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин; 1) ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи аналитик формалар; 2) ҳаракатнинг бажарилишидаги давомлиликни билдирувчи аналитик формалар; 3) ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашган фазасини билдирувчи аналитик формалар; 4) ҳаракатнинг тугалланган фазасини кўрсатувчи формалар; 5) ҳаракатнинг юқори (интенсив) фазасини билдирувчи аналитик формалар; 6) ҳаракатнинг нормал даражага етмаган фазасини билдирувчи аналитик формалар; 7) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини билдирувчи аналитик формалар; 8) ҳаракатнинг бир маргалигини билдирувчи аналитик формалар; 9) ҳаракатнинг

бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи аналитик формалар.

Ҳаракат процессининг характеристикасини билдирувчи формаларнинг ҳар бир тури, ўз ичида, етакчи ва кўмакчи феълнинг бирикиш формаси, маъно оттенкалари, қўлланишдаги хусусиятлари ва бошқа белгиларига кўра бир-биридан фарқланади.

1) Ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдирувчи аналитик формалар *бошла, кел, кет* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади.

Бошла кўмакчи феъли етакчи феълга *-а (-й)* равишдош ясовчи ёрдамида бирикади: *кела бошлади, ишлай бошлади* каби. Бу форма ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради. *Бошла* кўмакчи феъли деярли барча феъллардан шундай маънони ифодаловчи форма ясай олади: *ўқий бошлади, ёға бошлади, сўрай бошлади, ўта бошлади.*

Кел кўмакчи феъли етакчи феълга *(-и)* б равишдош ясовчиси ёрдамида бирикади. У аста-секин, даражамадаража ривожланиб, сўнгра тўла (нормал) ҳолат юз берувчи ҳаракатни билдирувчи феъллардангина ҳаракатнинг бошланғич фазаси юзага келиши маъносини билдирувчи аналитик форма ясай олади: *Гапинг тўғрику, лекин колхозларинг дуруст бўлиб келаётибди.* (А. Қаҳҳор.)

Кет кўмакчи феъли баъзи феъллардангина ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдирувчи аналитик форма ясай олади. Бу формада ҳаракатнинг бошланғич фаздаги давомлилиги оттенкаси ҳам бўлади: *Уйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсинбиби йўрғалай кетди.* (А. Қодирий.)

2) Ҳаракатнинг бажарилишидаги фазасини билдирувчи аналитик формалар *ёт, тур, юр, ўтир, бор, кел, бер (вер)* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади. Бу формалар, қайси замон ёки қайси майл формасида бўлмасин, ҳаракат—ҳолатнинг бажарилишидаги давомлилиги маъносини билдиради. Бу формалар ҳам ўзаро оттенкаси, қўлланиш доираси каби хусусиятлари билан фарқланади: *Дарёдан сув чиқаришга уриңиб ётишибди.* (А. Қаҳҳор.) *Элмурод... муҳим маълумотлар ва сўзларни қоғозга ёзиб ҳам турди.* (П. Турсун.) *Камол Каримийнинг ҳикоялари университетнинг сўнги курсида ўқиб юрган йилларидаёқ*

тўплам бўлиб чиққан эди. (Саид Аҳмад.) Баҳрободдаги уй-жойини, қавм-қариндошини, ёр-дўстини ташлаб келиб, биз билан **жаффо чекиб утирибдими, баракалла!** (А. Қаҳҳор.) Дафтарга каникулда қилган ишларимни **ёзиб бормоқчиман.** (Р. Файзий.) Неча йиллардан бери қалбида **сақланиб келаётган** эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди. (С. Зуннунова.) Экскаваторнинг ер **қазий бериб** оқариб кетган тишларидагина қуёшнинг қизғиш акси кўзга ташланиб қолади. (Р. Файзий.)

3) Ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашган фазасини билдирувчи аналитик формалар қол ва ёз кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади. Бу кўмакчи феъллар бирор ҳаракатнинг якунини, тугаш пунктини билдирувчи бўл, бит, ет каби феъллар билан бирикиб шундай маъноли форма ясай олади: **битиб қолди, бита ёзди** каби:

— Қўлдошвой, рўйхат нима бўлди?

— Рўйхат **тамом бўла ёзди.** (Ҳ. Шамс.)

4) Ҳаракатнинг тугалланган фазасини билдирувчи аналитик формалар бўл, бит, битир, чиқ, ет, ўт, ол, қўй, кет, юбор, ташла, сол, туш кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади. Бу формалар ҳам ўзига хос маъно оттенкалари, қўлланишдаги хусусиятлари каби белгилари билан бир-бирларидан фарқланади: Бундай пайтларда у, то қўлини **ювиб бўлмагунча**, касалга орқасини ўгириб турар эди. (С. Зуннунова.) Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан суюқ тутун кўтарилмоқда—қишлоқ батамом **ёниб битган.** (А. Қаҳҳор.) Алимов, ўз одатича, кўзойнаги четидан ҳар бир болага синчиклаб **зеҳн солиб чиқди.** (Ҳ. Назир.) Аҳмад вазифасини яхши **англаб етмаган** бўлса-да, „хўп“ деб дафтарни олди. (Ҳ. Назир.) Қанча воқеалар **бўлиб ўтди.** (С. Аҳмад.) Менинг Саломатим билан Султоним ҳам **саводини чиқариб олди.** (Ҳ. Фулом.)... бир укаси бор экан, ... ўзини **эплаб кетади.** (Ойбек.) Мактабдошим, балки мени **унутиб юборгандирсан.** (С. Аҳмад.) Раҳматилла гуё ғояларининг амалга ошуvidан умид узган ва бу ғояларни кўнглидан **чиқариб ташлаган** (А. Қаҳҳор.) Рус, татар, яҳудий савдогарларидан бу кун эшитган кўнглисиз воқеаларни, подшоҳ ҳу-

куматининг аҳволи анча танг эканини **тўкиб солди**.
(Ойбек.)

5) Ҳаракатнинг юқори (интенсив) фазасини билдирувчи аналитик формалар **кет, юбор, ташла, ўл** кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: *Агар селитра кўп солинса, ғўза ғовлаб кетади-ю, ҳосил тугмайди. (М. Жўра), Хадича аянг ...ўғлини талтайтириб юборибди-да. (Ҳ. Назир). Отлиқ аскарларимиздан бир группаси Н. қишлоғидаги душман гарнизонини бурдалаб ташлади. (Н. Сафаров.) Шу бугун ўзим уйқудан қолиб мудраб ўляпман. (Ҳ. Зиёхонова.)*

6) Ҳаракатнинг нормал даражага етмаган фазасини билдирувчи аналитик форма қол кўмакчи феъли ёрдамида ясалади: *Кечагина икки қуда учрашганларида болаларининг бўйи чўзилиб қолганлигини гаплашишган эди. (Шухрат).*

7) Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини билдирувчи аналитик формалар **ол, қол, қўй** кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: *...қўш ёнида дадил қадам ташлаб бораётган қора болани бир нафас кузатиб турди ва ерга чўнқайиб ўтириб олди (Ҳ. Фулом). Газетадан кўз олмай, ўнг қўли билан тимирскилаб ёнидаги пиёлани топиб, илиб қолган чойни шимирди. (Саид Аҳмад.)*

— Қайтишда қўниб ўтинлар, каклик **тутиб қўяман**.

— Бирга тутамиз, тузоқни **тайёрлаб қўй**.
(С. Анорбоев.)

8) Ҳаракатнинг бир марта бажарилганлигини билдирувчи аналитик формалар **ол** ва **қўй** кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: *Терак орқасида қолган ой ҳам кучли елнинг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди. (А. Қодирий.) Пирнафас ака билан Полвон бир-бирларига қараб қўйдилар. (Ж. Шарипов.)*

9) Ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи аналитик формалар **кет, юбор, туш** кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: *чўчиб кетди, чўчиб тушди: Раис зум ўтмай, ўзи ўйлаган фикрлардан ўзи чўчиб кетди. (Ш. Рашидов.) Нарзи тоға жўрттага ва қўққисдан*

айтиб юборган бу сўздан ўзи ҳам хурсанд бўлиб, тишининг оқини кўрсатди. (Ш. Тошматов.)

2. Модал маъно ифодаловчи формалар сўзловчининг ҳаракатга бўлган муносабатини кўрсатади. Бундай формалар ҳам ҳозирги ўзбек тилида анчагина миқдорни ташкил этади.

Бу турдаги формалар ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатадиган аналитик формалардан фарқланувчи қуйидаги хусусиятларга эга: 1) модал маъно билдирадиган аналитик форма юқоридаги каби кўмакчи феъллар, тўлиқсиз феъл, ҳатто феъл бўлмаган ёрдамчи сўзлар ёрдамида ҳам ясалади: *келса керак, келсин эди* каби; 2) бу турдаги формани ясовчи ёрдамчи сўзлар асосий феълга равишдош формасидан бошқа формалар ёрдамида ҳам бирикади: *ўқиган бўлди* каби; 3) бу турдаги аналитик формада кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бир хил кўринишда (*айт-қўй* каби) қўлланиши учрамайди.

Модал маъно ифодалайдиган форма ясовчи махсус ёрдамчи сўзлардан ташқари юқорида кўриб ўтилган кўмакчи феъллар ҳам баъзи модал маъно ифодаловчи аналитик формалар ясайди. Ҳозирги ўзбек тилида модал маъно ифодаловчи қуйидаги аналитик формалар кенг қўлланади:

-а/-й ол формаси. Бу форма ҳаракатни бажаришга қодирлик маъносини билдиради: *бажара олади, ўта олади, ўқий олади* каби.

-а/-й бил формаси. Бу форма ҳам худди юқоридаги маънони билдиради: *ажрата билди, сўзлай билади*.

(и)б бўл формаси. Бу форма ҳаракатнинг бажарилиши учун объектив имкониятнинг мавжудлиги (мумкинлик) маъносини билдиради: *Ҳамма илмни фақат савод орқалигина ўрганиб бўлади. (П. Турсун.)*

-(и)б қол формаси. Бу форма ҳаракатнинг тасодифан, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши, шунингдек, вақт ганиматда бажарилиши каби маъноларни билдиради: *Нима бўлди-ю, Комилжон билан Жамила бир-бирларига дуч келиб қолишди. (Ж. Абдуллахонов.) Мехри хижолат бўлиб, ўзини оқлашга тиришди. — Баъзан кетиб қолади-да. (А. Қаҳҳор.) Кечки паллада кўпроқ ишлаб қолиш учун бригада аъзолари зўр берардилар. (П. Турсун.)*

-а/-й қол. Бу форма хайрихоҳлик, илтимос, истак,

даъват каби маъноларни ифодалайди: *ола қол, сўрай қол, бера қолинг, қани энди кўна қолса каби.*

-**(и) б қўй.** Ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, билмаган ҳолда юз беришини билдиради: *Гўзал қулидаги гулдастани, адашиб қолдимки она тили ўқитувчисига бериб қўйди.* (Р. Файзий.)

-**а/-й бер (вер).** Ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ (монелик)нинг йўқлиги каби маъноларни билдиради: *келавердим, еяверади, олавер.*

-**а/ й кўр(ма).** Қатъий таъкид, огоҳлантиришни билдиради: *айта кўрма, сўзлай кўрмасин.*

-**(и)б кўр, -(и)б қара.** Синаш, билиш маъносини билдиради: *еб кўр, сўраб кўраман, ўқиб қара.*

-**(и)б боқ.** Худди **-(и)б кўр, -(и)б қара** формалари фодалайдиган маънони билдиради: *ўқиб боқ, ўтиб боқ.*

-**а-й тур.** Ҳаракатнинг вақтинча, бошқа бирор ҳарат-ҳодиса юз бергунча бажарилиши маъносини билдиради: *кўра тур, ишлай тур* каби.

-**(и)б юр, -(и)б ўтир.** Ҳаракатнинг бажарилиши маъқул эмаслигини билдиради: *Тўй қизиганда яна бир балони бошлаб юрмасин.* (С. Анорбоев.) *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман.* (А. Қаҳҳор.)

-**ган бўл (ётган бўл).** Бўл ёрдамчи феъли сифатдош формаларидан фақат ўтган замон ва ҳозирги замон формаларига бириккандагина аналитик форма ҳосил қила олади. Лекин бўл ёрдамчисининг ўтган ва ҳозирги замон сифатдоши билан қўлланиши ҳамма вақт ҳам аналитик формани юзага келтиравермайди. Бунда икки ҳодиса бўлиши мумкин.

1. Аналитик форма ҳосил бўлади. Бу форма ҳаракатнинг астойдил эмас, номигагина бажарилиши, субъект ўзини шу ҳаракатни бажарган қилиб кўрсатиши маъносини билдиради: *Ҳар қалай, узил-кесил бўлмаса ҳамки, розилик берган бўлдим.* (Н. Сафаров.) *Шундан сўнг Бегимхон икки-уч кун мактабга қатнаган бўлди-ю, сўнгра қайнона, қайната ўртага тушди.* (И. Раҳим.) *Чойфуруш бурчакда чой яшиклари билан овора бўлган бўлди.* (А. Мухтор.) *Мастура жавоб бермасдан, утоқ қилишга уринган бўлди.* (Ойбек.) *Омадингиз йўққа ўхшайди, меҳмон,— деди ҳоким ачинган бўлиб.* (Ш. Саъдулла.)

2. Бўл ёрдамчиси боғлама вазифасида бўлади. Бунда бўл ёрдамчиси майл, замон ва шу каби маънолар-

нинг реаллашуви учун восита ролини ўтайди: *Мана бу кишининг ўзи келибди, агар кўрсатган адреси чатоқ бўлиб хат қайтган бўлса, ҳозир ўзига беринг.* (А. Қаҳҳор.) *Қачон қарасанг, ё шеър ёзаётган бўласиз, ё Эшонбоевни танқид қиламан деб турган бўласиз.* (П. Қодиров.)

Мисоллардан кўринадик, бул ёрдамчиси ёзаётган, деб турган феъл формалари билан келганда грамматик маъно ифодаламайди, балки шарт майли ва ҳозиргикеласи замон кўрсаткичларининг қўлланиши, уларга хос маънонинг ифодаланиши учун восита ролини бажаради, холос.

Бул ёрдамчиси феълнинг баъзи формалари, масалан, *-диган*, *-моқчи* аффиксли формалари билан қўлланганда, фақат боғлама вазифасини бажаради, аналитик форма ҳосил қилмайди: *бордиган бўлса, бормоқчи бўляпти* каби.

-са бўл. Бу форма қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) Ҳаракатни бажариш мумкинлиги, ҳаракатнинг бажарилишига монеликнинг йўқлиги маъносини билдиради: *Биз ҳам оддмга ўхшаб бемалол ўтириб гаплашсак бўлади-ку...* (О. Мухторов.) *Аввало, муллажиринг керак, бошпана, бир ватан керак. Кейин қайлиқ орзу қилсанг бўлади.* (Ойбек.)

2) Ҳаракатнинг бажарилиши энг асосий мақсад экани маъносини билдиради. Бу маънонинг ифодаланишида бул ёрдамчиси *бўлди*, *бўлгани* формасида қўлланади: *Ёлғиз ташлаб қўймасангиз бўлди.* (У. Умарбеков.) *Шомамат отани қутқарсак бўлгани — келади-ю, ҳаммаларингни тузатади.* (Ш. Саъдулла.)

3) Бул ёрдамчиси *бўлдим* формасида қўлланганда, ҳаракатнинг юз беришига бўлган кучли таажжуб ифодаланади: *Ҳеч кутмаганда Качал полвон бошини қимирлатса бўлдим...* (Ш. Саъдулла.)

-ганим бўлсин. Бу форма ҳаракатни бажариш ёки бажармасликка қатъий қарор маъносини билдиради: *Бўлди, бўлди, янаги отпусқада борганимиз бўлсин!* — Бу қатъий қарор билан Хуршидбек онасини хурсанд қилмоқчи эди. (С. Зуннунова.) *Иккинчи бундай қилмаганим бўлсин.* (С. Зуннунова.)

-ди дегунча. Шу формадаги феъл билдирган ҳаракат бажарилиши билан бошқа бир ҳаракатнинг бажарилишини билдиради: *Бойбува кўса ҳамма қўғирчоқлар*

билан тўй-томошаларга кетди дегунча, Качал полвон ҳам уйдан отилиб кўчага чиқарди. (Ш. Саъдулла.) Сиз келдингиз дегунча, бир ёққа жўнайдилар. (П. Турсун.)

-а (-й) дейди (демайди). Ҳаракатни бажаришга мойиллик, ҳаракатнинг бажарилиш белгиси бор-йўқлиги ифодаланади: *Фуломжон ака эса ҳамон сўз қотмас, кўзойнагини бурнига кўтарганича ўз ишидан бош кўтарай демас,...* (М. Исмоилий.) *Оёғим музлаб кетяпти. Исий деймайди.* (Э. Усмонов.)

-а/-й де. Бу форма ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлик маъносини билдиради: *Атрофда баланд тоғлар қад кўтарган, уларнинг қорли чўққилари осмонга тегай-тегай деб турар эди.* (О. Ёқубов.) *Дарё томондан эсган изғирин бурунни учириб кетай дейди.* (А. Қаҳҳор.) *Бу кўчада қулаган ва қулай деб турган деворлар... орасида режа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди.* (А. Қаҳҳор.) *Кўзи сал илинай деганда, гўдакнинг чинқириғи қулоғига чалинарди-ю, чўчиб уйғониб кетарди.* (С. Зуннунова.)

-ги кел. Бу формада шахс кўрсаткичлари асосий феълга, майл, замон, инкор қўшимчалари кел феълига қўшилади ва ҳаракатга бўлган истак маъноси ифодаланади. *Камолнинг қиздан кечирим сўрагиси, мулойим гап билан уни ҳар қалай эркалаб қўйгиси келди.* (О. Мухторов.) *Егинг келса, олиб берай, — деди.* (Ш. Саъдулла.)

Бу формадаги кел ўрнида баъзан бор (бўлишли маънода) ва йўқ (инкор маънода) сўзлари ҳам қўлланади: *Ростини айтсам, менинг ҳам уч-тўрт йил ўқигим бор.* (Ў. Умарбеков.) *Зумрад Қосим тўғрисида баъзан шундай йўсинда гапирар, умуман бу йигитни ёдига олгиси ҳам, у тўғрида гаплашгиси ҳам йўқ эди.* (О. Мухторов.)

Аналитик нокатегориал формаларнинг анчагина қисми тўлиқсиз феъллар ёрдамида ясалади.

-син эди. Буйруқ-истак майли билан эди тўлиқсиз феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган форма шу формадаги феъл аниқланган ҳаракат бошқа бирор ҳаракат-ҳодиса учун бажарилган бўлиши кераклигини, субъект шу ҳаракатни бажармагани учун айбдорлигини билдиради: *Бунақа экан, мажлиснинг охиригача ўтиринг, нимани ўйлаб Усмоновонни таклиф қилганлигингизни*

коммунистларга **айтинг эди.** (А. Қаҳҳор.) Унақа олифта бўлса, **келмасин эди.** (А. Қаҳҳор.)

-са эди. Бу форма ҳаракатнинг бажарилиш эҳти-моли йўқ эмаслиги, шу ҳаракат юз берса, яна нимадир бўлиши каби маъноларни билдиради: **Туман тарқаб кетса эди, деб кўнглидан ўтказди.** (С. Анорбоев.) **Бир кун „Элобод“ колхози сени бағримдан узмаса эди, — деди айёрча илжайиб раис.** (Ойбек.) **„Бугун яна ота билан орамиздан гап қочмаса эди“ деган ташвишга тушди.** (Ҳ. Нуъмон.)

-ган экан (-ётган экан). Бу форма қуйидаги маъноларни билдиради:

1) Пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: ...**ҳовлига кираман деб эшик остонасига шундай қадам қўйган экан, биров шақ этиб пешанасига урибди.** (Ойбек.) **Босмачилар ҳақида ҳар хил хабарлар кела бошлади: ... фалон қўрбоши йигитлари билан тоғ оралиғида келаятган экан, кўчки босиб қолибди.** (А. Қаҳҳор.)

2) Сабаб маъносини билдиради ва сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: **Партия ва ҳукумат шу колхозни менга ишониб топширган экан, унда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатишга мажбурман.** (С. Анорбоев.)

-(а)р экан. Бу форма қуйидаги маъноларни билдиради:

1) Пайт маъносини билдириб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: **Ёз чоқлари Йўлчи далада ишларкан, улар тез-тез учрашиб туришар, жуда самимий сўзлашишар эди.** (Ойбек.) **Солдатнинг гапларига қулоқ соларкан, Турғун бу иш чўпонлардан кўра ҳам Саодат учун оғир эканини уйлар эди.** (О. Ёқубов.)

2) Сабаб маъносини билдиради ва сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: **Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўқар эканмиз, турмушимиз ҳам фазовон бўлуви шарт.** (Ш. Рашидов.)

3) Ҳаракатнинг бажарилиш тарзини, ҳолатини билдиради: **Қўй-қўй, айтма, — деди Олия жилмайиб, унинг оғзини кафти билан ёпаркан.** (Ж. Абдуллахонов.) **Ҳа, ҳа, деди Йўлдошвой ғазабидан титрар экан.** (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов.)

-са экан. Бу форма ҳаракатнинг бажарилиш-бажа-

рилмаслигини иташ, шунга тарафдорлик, ҳақиқатда эса шунга эришмаганлик маъносини билдиради: *Бирортасининг номини айтса экан, совчиликка борсам.* (С. Анорбоев.) *Эй, Рувонбуви, буюм сизга ўхшаб ётиғи билан гапирса экан.* (Яшин.)

-моқчи экан. Мақсад ҳаракатининг пайтини билдиради: *... хотин кетмоқчи экан, Жамолбой унинг қўлидан дадил ушлади-да, бир қўли билан бўш стулни ўз ёнига сурди.* (Ойбек.)

Кўпгина аналитик нокаategoriaл формалар феъл бўлмаган ёрдамчи сўзлар воситасида ясалади.

-(и)ш билан. Бу формада ҳам шахс кўрсаткичлари асосий феълга қўшилади ва шу формадаги феъл билдирган ҳаракат бажарилди дегунча бошқа бир ҳаракатнинг бажарилиши маъносини билдиради. Демак, у -ди дегунча типиде ясалувчи форманинг синоними ҳисобланади: *Аҳмаджон пулемётини ўша томонга ўнглаб, тепкисини босиши билан белига биров қаттиқ тепгандай бўлди.* (А. Қаҳҳор.) *Дераза очилиши билан йўлчи бошини кўтарди.* (Ойбек.) *Маърифатхон номи айтилиши билан суҳбатга яна жон кирди.* (А. Қаҳҳор.)

-ган билан. Бу форма тўсиқсизлик маъносини билдиради: *Майли, ... дод деганинг билан Равшан эшитмайди.* (Л. Маҳмудов.) *Ботқоқ жойларини қуритиш керак, дори сепган билан бўлмаяпти.* (А. Несин.)

-(и)ш керак (лозим, зарур). Бу форма ҳаракатнинг бажарилиши талаб этилишини, талабдаги ҳолатда эканини билдиради: *ишлаш керак, ишлаш лозим, ишлаш зарур; ўрганиш керак, ўрганиш лозим, ўрганиш зарур* каби.

-га қарамай. Бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўла олмаслик (тўсиқсизлик) маъносини билдиради: *ишлашига қарамай, ялинишига қарамай. Қиш оқшоми бўлишига қарамай, осмонда юлдузлар чарақляпти.* (С. Зуннунова.)

-ганича (-гунча) йўқ. Ҳаракатнинг тўла бажарилиб етмаганлиги маъносини билдиради: *Адвокат нима дейишини ўйлагунча йўқ, у захрини сочиб кетди.* (Шухрат.)

— *Тушундим, тушундим...*

— *Йўқ, ҳали тушунганингизча йўқ.* (Ж. Шарипов.)

-гандан кейин. Бу форма сабаб маъносини билдиради: *Яшаганингдан кейин* тирик эканингни сезиб, турмуш сирларини билиб яшасанг-да. (А. Несин.) *Ўқитувчи бўлиб нон егандан кейин* болаларни ўзига ром қилсин, босиб олсин-да. (А. Қаҳҳор.)

-са керак. Бу типда ясалувчи форма гумон, тахмин маъносини билдиради: *Лекин ўзимча бу соатни Олия опа Тошкентда олган бўлсалар керак, деб ўйладим.* (О. Мухторов.) *Лекин эртадан-кечгача ... бундай қуршовда ўтириш одамни тарашадай қотириб юборса керак.* (А. Мухтор.)

Айнан бир феълнинг турли формада қўлланишидан ҳам аналитик нокатегориал формалар ҳосил бўлади.

-са... -син: *ўқиса ўқисин, борса борсин* каби. Бу форма ҳаракатнинг бажарилиши хоҳиш-ихтиёрга зид эмаслиги маъносини билдиради: *Қийналса қийналсин, иккинчи пойламайдиган бўлади, деб ўйларди.* (С. Зунунова.)

Биринчи компоненти -а, иккинчи компоненти -гунча аффиксли равишдош формасида қўлланган аналитик формадан давомлилик ифодаланади: *Митянинг таклифи ўзининг ҳам кела келгунча ўйлаб келган фикрларига мос эди.* (М. Муҳамедов.) Лекин, биринчидан, бундай қўлланиш уч-тўртта феъллардагина учрайди. Иккинчидан, шу форма ўрнида -гунча аффиксли равишдошнинг ўзи қўлланса ҳам давомлилик ифодаланаверади. Аналитик форманинг қўлланишида маъно бир оз кучаяди, холос. Қиёсланг: *боргунча — бора боргунча, ўлгунча — ўла ўлгунча, келгунча — кела келгунча* каби.

-ган аффикси билан ясалган сифатдош формасининг турли формада такрор қўлланишидан ҳам аналитик форма ҳосил бўлади. Бу типдаги аналитик формада компонентларнинг қўлланиши икки хил кўринишга эга: 1) биринчи компонент шахс кўрсаткичи билан қўлланади. Бу формада „нуқул“, „доим“ деган маъно ифодаланади: *ўртоқлари китобдан бош кўтармайди, нуқул ўқигани ўқиган.* (А. Несин.) *Ўқитувчилар ҳам уларга бригадир бўлиб, далада юргани юрган.* (П. Қодиров.); 2) биринчи компонент чиқиш келишиги формасида, иккинчи компонент феълнинг бошқа (хоҳлаган)

формаларида қўлланади. Бу формада давомлилик маъноси ривожланиш, кучайиш оттенкаси билан ифодаланади: *Унинг пахтазорлари кенгайгандан кенгайди.* (Х. Ғулом.) *Ел кучайгандан кучайиб борар ва шу нисбатда мазор ичи ҳам яна бир қат қўрқини ҳолга кирар эди.* (А. Қодирий.) *Ҳаш-паш дегунча область раҳбарлари олдида иккаласининг нуфузи ошгандан ошиб, айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолди.* (Т. Пулат.)

Аналитик феъл формалари, айниқса етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик формалар, ташқи кўринишидан сўз бирикмаси ва қўшма феълга ўхшаб кетади. Шу сабабли айрим ишларда уларни сўз бирикмаси ёки қўшма феъл деб таърифлаш ҳоллари учрайди. Лекин аналитик феъл формалари қўшма феъллардан ҳам, сўз бирикмаларидан ҳам тубдан фарқланади.

Сўз бирикмаси камида икки мустақил сўздан ташкил топади. Аналитик формада бир мустақил ва ёрдамчи (кўмакчи феъл) қатнашади. Масалан, *кулиб гапирди* (сўз бирикмаси), *кулиб қўйди* (аналитик форма).

Аналитик форма билан қўшма феълнинг (умуман қўшма сўзнинг) фарқли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

1) Қўшма сўзларда (жумладан, қўшма феълларда) бирдан ортиқ сўзнинг бирикувидан янги маъноли бошқа бир сўз ҳосил бўлади. Масалан, *сотиб олмоқ* феъли *сотмоқ* ва *олмоқ* феълларидан фарқланувчи янги сўз — қўшма феъл. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик формада биринчи феъл ўз маъносини сақлайди ва у асосий (етакчи) феъл ҳисобланади. Кейинги феъл эса унга қўшимча маъно беради. Шу сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади. Масалан, *ёзиб бермоқ* бирикуви *ёзмоқ* ва *бермоқ* феъллари маъносидан фарқланувчи тамомила янги маъно ифодаламайди, яъни бунда *ёз* ва *бер* феълларининг бирикуви учинчи бир феълни келтириб чиқармайди, балки *ёзмоқ* феъли ўз маъносини сақлайди, *бермоқ* кўмакчи феъли эса *ёзмоқ* феълнинг маъносига қўшимча маъно беради (ёзиш ҳаракатининг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради).

2) Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик формаларда етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўртасида юкламалар қўлланиши ҳам мумкин:

Гап билан овора бўлиб, кейкиб ҳам қолибман.
(З. Фатхуллин.)

Қўшма сўз компонентлари ўртасида ҳеч қандай сўз қўлланмайди. Чунки қўшма сўз, неча компонентдан ташкил топишидан қатъи назар, бир сўз ҳисобланади.

3) Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган аналитик формаларда етакчи феъл форма ясовчи қўшимчаларни қабул қилиши мумкин: а) бўлишсизлик формаси (-ма) билан қўлланади: *билмай қолди, келмай қўйди, ишламай юрди, сезмай турди* каби; б) даража ясовчи -роқ аффиксини қабул қила олади: *Ота чойни ерга қўйиб, ўрнашиброқ олди.* (Р. Файзий.) *Чироқнинг пилигини кўтариброқ қўйди.* (А. Қаҳҳор.)

Бирикув таркибидаги етакчи феълнинг ўзи алоҳида грамматик форма қабул қилиши ҳам етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма феъл эмаслигини кўрсатади. Чунки қўшма сўзларда унинг компонентлари шу қўшма сўз доирасида сўз эмас, балки сўзнинг элементи ҳисобланади. Шу сабабли унинг компонентлари ҳеч вақт мустақил ҳолда грамматик форма қабул қилмайди. Ҳар бир сўз ўзича грамматик форма қабул қила олар экан, албатта, бу бирикув қўшма сўз бўлмайди, балки бирикувнинг ҳар бир компоненти алоҳида сўз ҳисобланади.

4) Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик формаларнинг етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзга тенг бўлиши мумкин: *Раҳимнинг майкаси йиртилиб, ҳамма ёғи тирналган, афт-ангори қизариб-бўзариб кетган эди.* (Ҳ. Назир.) *Шубҳа ва қўрқув билан атрофига қараб-қараб қўяди.* (Ойбек.)

Агар етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи аналитик форма қўшма сўзлар (қўшма феъллар) қаторига киритиладиган бўлса, у ҳолда *қўллаб-қувватлаб келмоқ, қараб-қараб қўймоқ* каби етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзлардан ташкил топган бирикувларни ҳам қўшма феъллар қаторига киритиш лозим бўлади. Чунки булар ҳам етакчи ва кўмакчи қисмдан ташкил топади. Лекин бундай бирикувларнинг қўшма феъл бўла олмаслиги, яхлитлигича бир сўз (лексема) эмаслиги жуда аниқ.

5) Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик формаларнинг қўшма феъллардан фарқли асосий белгиси сифатида яна шунини айтиш мумкинки, бундай

бирикувларда бирдан ортиқ етакчи феълга бир кўмакчи феъл қўшилиши мумкин, яъни етакчи феъл уюшиб келиши мумкин: *Ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётимди.* (А. Қаҳҳор.) *Учрашиб, киноларга бориб, умуман яқинлашиб, дўстлашиб борарканман, Насибанинг ақлли ва босиқ бир қиз эканига ишончим орта борди.* (О. Ёқубов.)

Бундай ҳолларда уюшиб келган етакчи феъллар орасида бошқа сўзлар ҳам қўлланиши мумкин: *Бу қадар балиқни сақлашнинг сира илҳами йўқ эди. Мўйноққа ташиш учун эса қайиқ этишмайди. Хонадонлар қуришиб ҳам, музлатиб ҳам, тузлаб ҳам, туйиб ҳам олдилар.* (А. Мухтор.) *Йил сайин совхознинг ери кенгайиб, техникаси кўнайиб, одамлари ўсиб бормоқда.* (М. Жўра.) Бундай ҳодисани бошқа типдаги аналитик феъл формаларида ҳам учратиш мумкин: *Камолнинг қизни қучгиси, ўлгиси, унинг сочларига кўмилгиси, катта, ёруғ, беғубор кўзларига сингиб кетгуси келди.* (О. Мухторов.)

Жуфт ва такрорий формалар

Феълнинг сифатдош ва равишдош формаларидан баъзилари жуфт ёки такрорий сўз ҳолида қўлланиб, турли грамматик маъноларнинг ифодаланиши учун хизмат қилади.

-а/-й ва -(и)б аффиксли равишдошлар такрор ҳолда қўлланиб, шу формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг такрорийлигини, давомлилигини билдиради: *Тоғ оралиғидаги қалин қор эрий-эрий одам бемалол кира оладиган ғор бўлиб қолибди.* (С. Анорбоев.) *Сўратоннинг оловида меҳнат қила-қила ёшликдан чиниққани учун чол унча терламас эди.* (Ойбек.) *Колхозчилар унинг овқатини мақтаб-мақтаб ейишади.* (Х. Назир.)

Биринчи компоненти -(а)р, иккинчи компоненти -мас аффиксли формада (бўлишли-бўлишсиз форма) қўлланган феъл формаси шу формадаги феъл билдирган ҳаракат тўла юз бермасданоқ бошқа бир ҳаракатнинг бўлишини билдиради: *Поезд бир станция йул босар-босмас ҳаммамиз танишиб олдик.* (Ў. Умарбеков.)

Баъзан биринчи компонентнинг -(и)б аффиксли формада, шунингдек, ҳар икки компонентнинг равиш

дош формасида қўлланиши ҳам учрайди: *Қишлоқчилик эмасми, у балоғатга етиб-етмасданоқ катта ёшдаги одамлар сафига қўшилди.* (О. Мухторов.) *Биттаси бир-икки ёшга етиб-етмай оламдан ўтган экан.* (Саид Аҳмад.)

РАВИШ ФОРМАЛАРИ

Равишларда синтетик форма **-роқ** даража аффикси билан ясалади: *тезроқ, секинроқ, эртароқ, кейинроқ.* Лекин бу йўл билан форма ясалиши чегараланган. Чунки жуда кўп равишлар билдирадиган белги объектив ҳолда турли даражага эга бўлмайди. Шунга кўра, бу белгиларни билдирувчи равишлар даража формасига эга эмас.

Равишларнинг такрорий формаси шу равишлар билдирган белги маъносига турли қўшимча маънолар ифодалаш учун хизмат қилади.

Такрорий равишлар, аввало, ҳаракатнинг такрорийлигини, давомлилигини билдиради: *Уни Москва ишчиларининг қайта-қайта такрорланган иш ташлашлари, забастовкалари қутқариб қолди.* (И. Раҳим.) *Қассобдан текин қолган мулк унга Қудратилла вофуруш билан яқинлашишга, кейин-кейин унга гу-машта бўлиб олишга имкон берди.* (А. Мухтор.)

Равишларнинг такрорий формаси шу равишга хос белгини кучайтиради. Бунда такрорийлик бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин: *Бу йўлдан зинҳор-зинҳор тойма, йилдан-йилга пахтани кўпайтиравер.* (Ойбек.) *Алиқул ёмғирда ивиган ва ваҳимага тушган кишининг сўзларини зўрға-зўрға тушунди.* (Ш. Рашидов.)

Такрорий равишларнинг маънони (белгини) кучайтириш хусусиятини шунда ҳам аниқ кўриш мумкинки, баъзи ҳолларда такрорий формани маънони кучайтирувчи бошқа форма билан алмаштириш мумкин бўлади: *Биринчи бор ҳомилалик нашъасини туйган, ой-куним яқин қолган кунлар сира-сира эсимдан чиқмайди.* (Саид Аҳмад.) *Уртоқ Ҳожибековнинг ғайратлари орқасида колхозимиз энди-энди оёққа туряпти.* (С. Анорбоев.) Бу мисоллардаги *сира-сира* формасини ҳали ҳам, *сира* ҳам тарзида, *энди-энди* формасини *эндигина* формасида қўллаш мумкин, бу билан маънода ўзгариш бўлмайди.

1. Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарздаги, лексик маънони ўзгартирмайдиган маънодир. Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи воситага эга бўлган шакли (кўриниши) унинг формаси ҳисобланади.

2. Грамматик категория грамматик маъно билан грамматик формалар бирлигидан иборат бўлади. Лекин бир грамматик маъно билан шу маънони ифодаловчи форма бирликда грамматик категория ҳосил қилмайди, бири бири билан оппозиция ҳосил қиладиган грамматик маънолар ва шу маъноларни ифодаловчи формалар бирлиги грамматик категория ҳосил қилади.

3. Ясаиш усули, ясовчи воситаларига кўра сўз формалари уч асосий турга бўлинади: 1) синтетик формалар, 2) аналитик формалар, 3) жуфт ва такрорий формалар.

4. Грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра сўз формалари икки асосий турга бўлинади: 1) категориал формалар, 2) нокатегориал формалар.

Сўз формаси модал маънога эга бўлиши ёки субъектив баҳо ифодалаш мумкин. Лекин шунга қараб сўз формасини „модал формалар“ ёки „субъектив баҳо формалари“ каби турларга ажратишга асос йўқ.

5. Ҳар қандай сўз формаси маълум бир сўз туркумига хос бўлади. Барча сўз туркуми учун умумий бўладиган сўз формаси йўқ. Сўз туркумлари бўйича умумий тарзда қўлланиш юкламаларга хос хусусият.

6. Ўзак ва аффиксал морфемалардан ташкил топган сўзларнинг структураси уч хил типга эга бўлиши мумкин: 1) морфема структураси (*пахта+кор+нинг*), 2) сўз ясаиш структураси (*пахта+кор—нинг*), 3) морфологик (форма ясаиш) структураси (*пахтакор+—нинг*). Сўзнинг морфологик структураси сўз формасининг ясаишида асос бўлувчи қисм ва шу формани ясовчи компонентдан иборат бўлади.

7. Грамматиканинг морфология баҳсида сўз туркумлари ва уларга хос формалар ўрганилади. Ҳар бир сўз Туркумига хос формаларнинг таҳлилида (агар бўлса) аввал категориал формалар (грамматик категориялар), сўнгра нокатегориал формалар баён этилгани маъқул.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
--------------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Сўз формалағи ҳақида

Грамматик маъно ва грамматик форма	5
Грамматик маъно ва грамматик форманинг грамматик категорияга муносабати	6
Форма ясалиш усули	7
Синтетик форма	8
Аналитик форма	11
Жуфт ва такрорий форма	14
Категориал ва нокатегориал формалар	25
Сўзнинг морфологик структураси	35

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Асосий сўз туркумларида форма ясалиши	41
От формалари	41
Синтетик формалар	41
Категориал формалар	41
Нокатегориал формалар	48
Аналитик формалар	56
Жуфт ва такрорий формалар	56
Сифат формалари	57
Синтетик форма	57
Аналитик форма	57
Жуфт ва такрорий форма	58
Сон формалари	58
Феъл формалари	59
Синтетик формалар	59
Категориал формалар	59
Нокатегориал формалар	59
Аналитик формалар	62
Категориал формалар	62
Нокатегориал формалар	63
Жуфт ва такрорий формалар	77
Равиш формалари	78
Хулоса	79